«БОЛАМНИ РЕПЕТИТОРДА ЎҚИТАМАН»
Нега? Репетиторда ўқитиш нима сабабдан авж олиб кетди? Бунинг сабаблари кўп, албатта. Сабаблардан асосийси эса — мактаб муҳитида берилаётган билим қониқарли эмас!
2-бет

ЙЎҒ-Э!
Ухлаш учун ҳам куч керак!

КОМПЬЮТЕРЛАР ИСЁН КЎТАРМОҚДА
Дунёнинг турли бурчакларидан келаётган хавфли сигналлар кўпайиб бораётир.
3-бет

МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

ҲУРРИЯТ

1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

Чоршанба кунлари чиқади | 1999 йил 20—26 январь | № 3 (105)

ХАЛҚ БИЛАН НЕ ИШИМ БОР?

Бир мансабдор дилидаги гаплар

Синмайдиган тишим бор,
Қўллайдиган кишим бор,
Ўз шахсий ташвишим бор,
Оғу томган нишим бор,
Халқ билан не ишим бор?

Мойли бўлган бу жойни,
Минганим амал - тойни,
Асрайман сочиб ''лой''ни,
Эшитмайман оҳ-войни,
Халқ билан не ишим бор?

Тўйлар қилдим - шоҳона,
Қаср қурдим - кошона,
Мол жамғардим пиҳҳона,
''Тадбиркор''лик баҳона,
Халқ билан не ишим бор?

Етагимда лайчалар,
Бари манқурт - пайчалар,
Қўл остида қанчалар -
''Бос'', десам карнай чалар,
Халқ билан не ишим бор?

Қариндошлар йиғилиб,
Текин егач, тиқилиб -
Ярим йўлда йиқилиб
Қолмай, дейман, ишқилиб,
Фақат шу ташвишим бор!

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,
ўқитувчи

ХОТИРА МАЙДОНИ - МУҚАДДАС МАЙДОН

XXI аср эшик қоқмоқда. Биз унга қандай кириб борамиз?

Мушоҳада

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

ЯНГИ йил ва туғилган кун билан боғлиқ саналар ҳар қандай кишини босиб ўтилган бир йилни сарҳисоб қилишга ундайди. Мулоҳаза юритасиз, фикрларни жамлайсиз, хулоса ва ҳукмлар чиқариб келгуси йил режаларини тузасиз. Бир аср билан хайрлашиб, бошқа асрга ўтаётганда-чи?

Табиий, тафаккурли инсон бир аср ҳисоб-китобини қилади. Бу асрдан у асрга нималарни олиб ўтиш, нималарни бу асрга қолдириб кетиш ҳақида чуқур ўйга толади.

Икки аср туташган даврда яшаш саодатли инсонни жуда улкан сарҳисобларга ундайди. Унинг ўйлари асрни қаритади, асрлар теграсидан ошиб-тошиб ўтади.

XXI асрга пешвоз чиқаётган ЎЗБЕК минг йиллик, эҳтимол ундан-да олисроқ кўҳна ўтмишни мутлақо ЯНГИЧА идрок этиш иштиёқида яшаяпти. Муболагага йўйманг, халқимиз XXI асрга ёруғ юз билан кириб бориши учун Одам Атою Момо Ҳаводан бошланган бутун инсоният тарихини қайта идрок этишга, идрок этганларидан энг сара ва зарурларинигина моддий ва маънавий бисот сифатида қалби ва шуурига жо этишга ҳаракат қилмоқда.

Инсон учун ўзлигини англашдан кўра улуғроқ мартаба, ундан кўра завқлироқ машғулот йўқ.

Тасаввур қилайлик, бу қадар адоқсиз ва қамраб олиш мушкул вазифа учун XX аср бизга бор-йўғи тўққиз йил фурсат ''берди'', тўғриси, ватанимиз мустақиллиги бу улуғ имкониятни мустабид асрдан тортиб олди.

''Мустақиллик'' сўзи қанчалик тотли туюлмасин, уни вужудга келтириш, ривожлантириш ва юксалтириш шу қадар қийин эканлиги, мана, саккиз йилдирки, бор мураккаблиги билан кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда. Мен учун мураккаблик турфа тушунчаларни аниқ-тиниқ тасаввур этишда кўринади. ''Ватанга муҳаббат'', ''миллий ғурур'' каби тушунчаларга аниқлик киритилаётганини истиқлолнинг мустаҳкамлана бориши дея талқин этиш мумкин.

Шу нуқтаи назардан мустақиллик ҳам бир қадар умумий тушунча. Уни ҳаётий воқеликка айлантириш, энг оддий одамлар онгидан жой оладиган тушунчага айлантириш учун эса...

ПРЕЗИДЕНТ Ислом Каримовнинг Хотира майдонига ташрифини ва у ерда жамоатчиликка, халқимизга қарата айтган гапларини кўриб-тинглаб ўтириб шу ва шу каби адоқсиз мулоҳазалар хаёлдан кечди. 15 январь куни бўлиб ўтган мазкур ташриф чоғида Каримов феноменининг миллий мафкура, миллий ғурур, миллий нафсоният ва миллий ғояни юксалтириш концепцияси ўзининг яна бир фавқулодда қирраси билан намоён бўлди.

МУСТАҚИЛЛИК дарахт шохида битадиган мева эмаски, ҳилқия пишган палла узиб олиб кўйнингга урсанг! ''Бизнинг тараққиёт сари интилишимизни эса, - деб ёзади И.Каримов ''Ўзбекистон XXI аср бўсағасида'' китобида, - фикрлаш, ҳаракат қилиш ва ташаббус кўрсатишсиз тасаввур қилиб бўлмайди''. Мен назарда тутган концепция ана шу тариқа тинимсиз фикрлаш, ҳаракат қилиш ва ташаббуслар кўрсатиш орқали аста-секин, босқичма-босқич юзага чиқмоқда. **''Халқимизнинг иззатини жойига қўядиган''** йўлни танлашимиз лозимлигини, **''Мустақилликнинг олий мақсади - ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш''**лигини, чунки, **''Ўзбекистон яна кимгадир бўйсуниш учун мустақил бўлгани йўқ''**лигини И.Каримов мустақилликнинг биринчи йилидаёқ баён қилган, шу улуғ мақсадлар ҳар бир фуқаронинг онги, идроки ва қалбидан жой олишини истаган эди.

Катта мақсадлар кишини катта ишларни қилишга, катта жасоратларга қўл уришга ундайди. 15 январдаги ташриф чоғида худди шундай яна бир жасоратли ишга қўл урилди.

Биз энг қўҳна анъаналарни ҳам кўз қорачиғидек асраб-авайлайдиган халқмиз. Бунинг фазилат эканига тил теккизмаган ҳолда баъзан ўз қадр-қимматини йўқотиб улгурган анъаналарни ҳам кўр-кўрона эъзозлаб, елкамизга ортмоқлаб юриш одатимиз йўқ эмаслигини ҳам тан олишимиз керак. 9 майни Ғалаба байрами сифатида салкам ярим асрдан буён нишонлаймиз-у, унинг қандай байрам эканини чуқурроқ ўйламаймиз, унинг моҳиятига кириб боришга интилмаймиз, янаям аниқроғи, ҳақиқатнинг шафқатсиз қиёфасига тик қарашдан ўзимизни олиб қочамиз.

Тан олиш керак, иккинчи жаҳон уруши минглаб, миллионлаб ватандошларимизнинг ҳаёти, умри ва тақдирларига туташиб кетган. Бу уруш билан боғлиқ хотиралар, фожиалар, солномалар беармон битилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ватанимиз мустақиллиги йилларида ўша урушга дахлдор хотиралар, уруш иштирокчилари, кексалар ва ногиронлар давлатимиз ва халқимиз томонидан қадрланиб, эъзозлаб келинди. Кекса кишиларнинг қалби нозик бўлади, меҳрга ташна бўлади, жуда осон ранжийди. Буларни тўла тушунган ҳолда дунёқарашларимиз, қадриятларимиз туб-тубидан ўзгараётган, айниқса бутун инсоният ўтмишига бўлган қарашларимизни сарҳисоб қилиб келгуси асрга ёруғ юз билан ўтишимизни замон талаб қилиб турган бир пайтда иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ барча ҳақиқатларга ЎЗ баҳосини берадиган фурсати ҳам етди.

ЎЗ баҳосини бериш ЎЗЛИК демакдир, ҒУРУР, НАФСОНИЯТ демакдир.

ЯҚИН-ЯҚИНГАЧА ''Улуғ Ватан уруши'' деган истилоҳ оғзимиздан тушмас эди. Бундаги ''Улуғ'' ва ''Ватан'' сўзларига эътибор қилайлик. Қайси улуғ ватан назарда тутиляпти? Бепоён Совет Иттифоқи эмасми? Ахир унинг нечоғли улуғлиги бутун инсоният кўз олдида фош бўлди-ку! Бу ''улуғ ватан'' номи билан боғлиқ озмунча ёлғонлар фош бўлдими! Хотирамизда ардоқлаб келаётган уруш билан боғлиқ ёлғонлар-чи?! Ўша машъум урушнинг ташкилотчилари, тепасида турган доҳийларнинг кирдикорлари бутун ер юзи кишиларининг муносабатини мутлақо ўзгартириб юбораётган бир пайтда, ҳаммасини қўя турайлик, ЎЗБЕК ва ЎЗБЕКИСТОН номи асрлар мобайнида эндигина ЎЗЛИГИГА етишган бир пайтда кўр бўлиб СССРни улуғ ватан деб юравериши, унинг ёлғон мақсадлари, маслаклари йўлида етти ухлаб тушимизга кирмаган масканлар учун қаҳрамонликлар кўрсатганимизни ҳали-ҳануз улуғлаб, улуғланишини истаб, талаб қилиб юришимизни қандай тушунмоқ керак?! Орден-медаль берган, нафақалар тайинлаган шўролар давлатининг меҳр-мурувватига шунчалик муҳтожмизми, зормизми?!

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН ўлкалари халқлари учун умуман уруш тушунчаси ёт эканини, умрида қўлига қурол тутмаган сонсаноқсиз оталаримиз, акаларимиз фронтнинг олдинги чизиқларига атайин ташланиб, қўйдек қирилиб кетганлари билан боғлиқ хотираларни кимлар эшитмаган дейсиз! Муҳими - ҳеч ким уруш қатнашчилари ва ногиронларини эътибордан, эъзозлардан маҳрум қилмоқчи эмас. Аксинча ўзгаларнинг ёлғон эътибори ва мақтовидан кўра энг аввало ўзимизни ўзимиз қадрлашимиз зарурлиги, ўзлигимизни англашимиз зарурлигини давр кун тартибига қўяётганини англаб етмоғимиз муҳим!

Президент ''хотира майдони - муқаддас майдон'' деганда нақадар улуғ мақсадларни кўзда тутганини, бу мақсад халқимиз қалбининг туб-тубидан кўз очиб келаётганини айни шу нуқтаи назардан англаш даркор. ''Хотира'' сўзининг салмоғига алоҳида эътибор қаратайлик. Хотира - савоб, хотирасиз миллатнинг ўзи йўқ, демоқда Президент. ''Хотираси боқий миллатгина миллат бўла олади!'' демоқда юртбошимиз.

Ўтмишини, улуғларини, қаҳрамонларини... шаҳид кетган фарзандларини хотирлаш бобида халқимиз ҳеч бир халқдан кам эмас, зеро, мамлакатимиз пойтахтининг қоқ марказида барпо этилажак Хотира майдони бу азиз юрт учун жон берган барча-барча ўғил-қизларини хотирлаш масканига айланади. Фақат қайсидир жаҳон урушида ўлим топган ўғлонларнигина эмас, Алпомишдан тортиб Темургача, Навоийдан тортиб Усмон Носиргача, 80-йиллар қатағонида дунёдан бевақт кўз юмганларни, Истиқлолнинг тамал тошини қўйиш йилларида вафот этганлар ёдини хотирлаш майдони!

Тасаввур қиляпсизми, бу Хотира майдони бутун халқларимизни, авлоду аждодлар руҳини, қизиқиш ва қадриятларини бирлаштирувчи, жипслаштирувчи УЛУҒ ТИМСОЛга айланади! Миллатни бирлаштирувчи майдон, фарзандларимизнинг маънавий дунёсини мустаҳкамловчи майдон бўлади, демоқда Президент.

Миллатнинг руҳини юксалтирувчи, қалбларга ғурур куртакларини қадовчи майдонга айланади!

Ислом Каримов ''Қадрлаш'' сўзини махсус таъкидлаганига эътибор берайлик. Юртбошимиз, мана ўн йилдирки, олиб бораётган миллий концепция яратиш сиёсати учун бу тушунча ниҳоятда қадрдон. У киши жуда кўп чиқишларида инсонни дунёдан ўтганидан кейин эмас, балки ҳаётлигида қадрлаш зарурлигини қайта-қайта уқдиради. Хотира қадрлаш майдони деганда ҳам ушбу маъно мужассам. Ҳақиқатан ҳам халқимиз марҳумларни хотирлайди, тирикларни қадрлайди. Демак, бу майдон кишиларимиз табиатида тирикларни қадрлаш маданиятини янада шакллантирувчи, одамларимизнинг янада меҳр-оқибатли бўлишларига далда берувчи муборак масканга айланади.

БИЗ катта бир жасорат билан Ғалаба куни тушунчасини онгли равишда инкор этиб, Хотира ва қадрлаш байрами тушунчасини қабул қилиш заруратини англаб етмоқдамиз. Президент яна шуни огоҳлантирмоқдаки, инкор этишдан осони йўқ, муҳими - яратиш. ''Инкор этиш кайфиятидан бунёдкорлик кайфиятига ўтиш осон кўчмайди'' демоқда Ислом Абдуғаниевич. Бу ўринда эса бунёдкорлик қилинмоқда. Ҳақиқатнинг кўзига тик қараб жасорат-ла тан олиш баробарида фавқулодда ЯНГИ ҒОЯ - миллий хотира, миллий қадр майдони бунёд этилмоқда!

ЎЗБЕК миллати, ўзбек халқи XXI асрга ўзининг буюк миллий ғоялари, миллий ўзига хослиги, ўзлигини англаб етган мустаҳкам дунёқараши билан кириб боради! Хотира ва қадрлаш майдони шу улуғ мақсадларга хизмат қилади!

"БИЗГА ИШ БЕРИНГ!.."

Демоқда аёллар. Ва биз бу талабни адо этишимиз лозим

Таклиф

''Ҳуррият'' газетасининг 1998 йил 23 декабрь сонида журналист синглимиз Дилдора Аҳмаджонованинг ''Мардикор...аёллар'' номли мақоласини ўқиб эзилдим. Наҳотки, биз эркаклар аёлларни мардикор бозорига чиқариб қўйсак?! Бу инсофли, диёнатли халқ учун иснод эмасми?

Мақолани маҳалламиз чойхонасида ўқиб бердим. Қарасам, барчанинг боши эгик.

- Ёшим етмишдан ортиб, аёл зотининг мардикор бозорига чиқишини биринчи эшитишим, - деди Тожиддин оқсоқол.

- Тўғри, мардикор бозорининг ўзи йўқ эди-ю, лекин биз ҳаммамиз мардикор эдик, - дея сўзга аралашди Мухторхўжа ота. - Мардикор бўлганда ҳам текинга ишлар эдик. Оқпошшо даврида ҳам, шўролар тузуми даврида ҳам ҳақсизлик, ҳуқуқсизлик бизни тобеликка олиб келди. Шу мардикорлик ҳам ўша даврдан қолган иллат. Оллоҳ қўлласин халқимизни, бу иллатлар ўтмиш бўлиб қолсин, илоҳо...

Аёлларга эркаклар билан тенг ҳуқуқ берган ўша комиссарлар аста-секинлик билан уларни умуммеҳнатга сафарбар қила бориб, аёлларнинг нозик елкаларига оғир-оғир қопларни юклади, қўлларига белкурак, баҳайбат мошиналар рулини берди. Аёллар ўрмонларда дарахт кесувчилар, заводларда металл эритувчилар ўрнини тўлдиришди, кўмир қазувчилар орасида ҳам улар ҳиссаси ошиб борди...

Шукрки, замон ўзгарди. Бозор иқтисоди даврида кеча давлатники бўлган айрим корхоналар ўз аравасини тортолмай ёпилиб қолди.

Натижада кечаги ишчи аёлларнинг бир қисми бугун бекорчи.

Мардикор бозори аёллари муаммоси билан жиддийроқ шуғулланилмаса, аёллар мардикор бозоридан эркакларни сиқиб чиқаришига шубҳа йўқ. Чунки аёллар жамиятда кўпчиликни ташкил қилган арзон ишчи кучи бўлиб қолаверади.

Бу муаммони ҳал қилиш ҳар бир ҳамиятли эркакнинг, айниқса, маҳалла оқсоқолларию ҳоким боболарнинг ишига айланмоғи даркор. Бу борада бир-иккита таклифни ўртага ташламоқчимиз:

Меҳнат Вазирлиги бу масалани ҳал қилишга жиддий киришиб, барча манфаатдор ташкилотлар, ҳокимликлар, жамғармалар, қолаверса, маҳаллалар имкониятларини йўналтириб, ҳар бир маҳаллада аёллар учун ишчи ўринлари ташкил қилишга киришса, бозорга чиққан аёллар билан гаплашиб, уларнинг дардига малҳам бўлиш йўлларини излашса, нур устига нур бўларди.

Бунинг учун, бизнингча, биринчидан, ҳар бир шаҳар ва туманлардаги ишлаётган корхоналар филиалларини маҳаллаларда очиш керак. Шу тариқа корхона-маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш зарур. Бу борада Миробод туманида жойлашган ''Тошэлектроаппарат'' заводининг ташаббуси ибратли.

Иккинчидан, маҳаллаларнинг ўзларининг кучлари билан маҳаллалар қошида кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш вақти келди. Бунинг учун эса маҳаллаларга имтиёзли кредитлар беришни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, туманлардаги Меҳнат, бандлик ва аҳолини иш билан таъминлаш бошқармалари маҳаллалар билан ҳамкорликда ҳар бир маҳалладаги ишга муҳтожларни аниқлаб, уларбоп иш топишга амалий ёрдам беришни йўлга қўйсалар, ҳар бир маҳаллада аёлларга бичиш-тикиш, пазандачилик курсларини очсалар яхши бўларди. Бунда маҳаллалардаги гузарлардан, чойхоналарнинг бўш ётган хоналаридан фойдаланиш мумкин.

Маҳалла оқсоқоллари аёлларни мардикор бозорларидан қайтариб олишда асосий кучдир. Давлатнинг кучли ижтимоий сиёсати маҳалла орқали амалга оширилаётган ҳозирги пайтда кам таъминланган оилаларга нафақа тўлашда аввало қийналиб қолган аёлларга эътиборни қаратиш жоиз.

Кенгашли тўй тарқамас. Назаримда, бу аёллар мардикорчилиги муаммосини бамаслаҳат ҳал қилса бўлади. Фақат бунинг учун истаксҳоҳиш бўлса бас.

Неъматжон ҲАСАНОВ,
Ҳамза туманидаги ''Нодира'' маҳалласи раиси

...ТИЛ ЧАЙНАЛСА - ДИЛ ҚАҚШАЙДИ

Барибир

Ўзбекистонда юз минглаб нусхада тарқатиладиган ''Труд-7'', ''Аргументы и факты'' нашрларида маҳаллий телекўрсатувлар дастурлари матни эълон қилина бошланганлиги қувончли ҳол. Аммо нафақат юқоридаги нашрлар, балки рус тилида чоп этилаётган кўпчилик маҳаллий газеталарда ҳам ўзбекча ибораларнинг бузиб қўлланилаётганлиги давлат тилининг обрўсига путур етказмоқда.

Бу ҳақда ''Халқ сўзи'', ''Ҳуррият'' газеталари ўз ташвишларини билдирдилар. Аммо русча нашрлар кўпчилигининг охирги сонида берилган ҳафталик теледастурлар матнида ''Ийди Рамазон'' - ''Иди Рамазон'', ''Ҳидоят'' сўзи - ''Уидоят'', ''Кўрки'' - ''курки'' деб эълон қилинганлиги юқоридаги газеталар таҳририятлари ҳали-бери пинагини бузадиганга ўхшамаётганликларини кўрсатади.

Д.ҚОСИМОВА

ЭНДИ ТАКРОРЛАНМАЙДИ

(''Томошабоп таржима''. ''Ҳуррият'', №1, 1999 й.)

Жавоб

Мақолани диққат билан ўқиб чиқдик. Шуни афсус билан эътироф этишимиз жоизки, мақолада келтирилган фактлар тўғри. Теледастурда бизнинг ходимларимиз масъулиятсизлиги туфайли қўпол хатолар ўтиб кетган. Газета саҳифаланаётган куни теледастур жуда кеч, деярли газета босилиши арафасида олинган. Компьютер саҳифаловчиси эса барча юмушни автоматик режимда бажаришга ваъда берган...

Ушбу масала юзасидан таҳририятимизда махсус йиғилиш ўтказилиб, айбдорлар жазоланди. Содир этилган чалкашлик чуқур таҳлилдан ўтказилгач, келгусида бундай хатолар содир этилмаслик чора-тадбирлари белгиланди. Шунингдек, ўзбек тилидаги теледастурни шошилмай, хотиржам таржима қилиш учун биз ''Шарқ'' НМКга мурожаат қилиб, газетамизни саҳифалаш кунини чоршанбадан пайшанбагача ўтказишларини илтимос қилдик.

Биз ''Ҳуррият'' таҳририятига ва мақола муаллифига очиқ-ошкор танқиди учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

А.СКОРОБОГАТОВ,
''Новости недели'' газетасининг бош муҳаррир ўринбосари

— Шу боланг амалдор бўлади-ёв...

Рассом Н. НУРМОНОВ.

ҚИРЧИЛЛАМА ЙИГИТ БЎЛСА?..

Бутун дунёни ўзига қаратган можаро ҳақида Деҳқон бобо билан суҳбат

Муносабат

-Отахон, Американинг президенти Билл Клинтон ҳақида эшитганмисиз?

-Пошшасини айтаяпсизми?

-Ҳа-а-а.

-Оз-моз эшитганман, неварамдан. У тилвузирга қизиқади-да.

Эрталабдан кечгача тилвузирнинг тагида. Мактабга ҳам бормайди. Шууу, сиёсатчи бўлмаса ғўрга деб турибман. Пошшасини бир қизга ҳазиллашиб қўйибди, депмиди-эй.

-Шунинг учун уни суд қилишаяпти.

-Пошшани-я?! Астағфируллоҳ?!

-Моника Левински деган аёл билан ишқий алоқада бўлган экан. Ўшанинг учун суд қиляпти-да, отахон.

-Энди, ўғлим, пошша-да. Пошшаға тараф йўқ. Ҳар на қилса, у Худонинг ердаги соясиси.

-Ана шунга сизнинг муносабатингизни билмоқчи эдик, отахон.

-Менингми?! Мен бир оддий одам бўлсам. Дала ҳатлаб ташқарига чиққаним йўқ. Мендан ғўзани сўранг. План нима бўлади денг. Менинг пошшалар билан ишим йўқ, болам.

-Йўқ, отахон, сиз тушунмадингиз. Сизнинг шахсий фикрингизни билмоқчи эдик, холос. Клинтоннинг шўхлигини кечириб бўладими? Ҳокимиятда энди қоладими-йўқми, ҳамма ҳар нарса деяпти. Сиз ҳам бир нима денг.

-Майли, болам, майли. Кетадими-йўқми, энди уни Худо билади. Тақдирида ''қолосан'' деб ёзилган бўлса - қолади. Ёзилмаган бўлса нима қилади, болам, кетадида - Худонинг иши.Тўғри қилдими-йўқми, бунга бир нарса дейиш қийин. Бизда бир гап бор: ғунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узмайди. Ўша аялдинг ўзи суйкалгандир, кўзини сузгандир. Бекордан-бекорга бировдинг боласига ҳеч ким кўз олайтирмайди. Моника дедингми, шунинг танасида озроқ бор-да, болам. Бир қамчи бор. Бўлмаса катта давлатнинг пошшаси ипини узармиди?! Болам, Моникаси тушмагур ҳам попукдайгина нарса экан-да, ах-ах. Кеча тилвузирдан кўрсатувди. Менинг ҳам томоғим тушгандай бўлди.(Тўхта, нос отиб олай, кайфим кўзғади.) Бунинг устига Амирканинг пошшаси қирчиллама йигит бўлса. Йигитчилик. Йигитчиликда ҳар нарса бўлади-да, болам. Айтади-ку, йигитга оқарган нарса ҳам қизил кўринади, деб. Шунга энди суд-пуд қилиб етишларига қўшилмайман, болам. Мана биздинг раисдинг мен биладиган 5 та ўйнаши бор. Ҳеч нарса демаймиз. Уддаладингми, қандингни ур. Буғалтиримизгача юрадиганлардан. Ҳеч кимнинг иши йўқ. Хусумат қилмаймиз. Қасд қилган паст бўлади, Бировнинг юзига солиш, изза қилиш бизга тўғри келмайди, болам. Инсофини Худо берсин...

Сухбатдош Мирзо АКБАР

САВИЯСИЗЛИК

''Чумоли'' ҳарфлардан қачон қутуламиз

Таклиф

Иқтисодиётимиздаги қийинчиликлар вақтинчалик ўткинчи ҳодисалардир. Бу қийинчиликларни бартараф этиш учун ҳукуматимиз, раҳбарият қўлидан келган барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Оқибатда иқтисодий бўҳронлар билан боғлиқ бўлган муаммолар тобора йўқолиб бормоқда...

Аммо шу кунларда мазкур долзарб муаммоларни ҳал этиш борасидаги ва бошқа ижтимоий, сиёсий ва хўжалик соҳаларидаги зарур муаммолар аҳволи ҳамда уларни ҳал этиш чора-тадбирларига, қолаверса, ҳаётнинг бошқа жабҳаларига бағишланган журналистик материаллар, элга фикр тарқатаётган мақола, хабар ва бошқа лавҳалар, айниқса, публицистик очерклар нашрларда қандай савияда ва қандай журналистик дид билан берилаётганлиги ўқувчини қизиқтирмоқда.

Маълумки, жаҳонда, ўз юртимизда бўлаётган янгиликлар газета, журнал, ҳафталикларда изчиллик билан берилиб борилмоқда. Бундай материалларни ўқиш, уларни таҳлил этиш қарияларимиз, пенсионерларимизни ҳам қизиқтиради.

Шу ўринда ўқувчиларимиз, айниқса, қарияларимизнинг матбуотимизда эълон қилинаётган материалларнинг ҳарфлар тизимидан мутлақо норози эканлигини айтиб ўтмоқчимиз. Республикада чоп этилаётган деярли барча газеталар, айрим журналлар ва ҳафталиклар материалларининг кўпчилиги журналистик тил билан айтганда, фақат ''петит'' ҳарфлари, ҳатто ундан ҳам кичик ҳарф-белгилар билан берилмоқдаки, бу нарса ўқувчининг табиий равишда асабига тегмоқда. Бундай ҳарфлар билан териб эълон қилинган материалларни ҳар қандай кўзойнакда ўқиб бўлмаётир. Бошқача қилиб айтганда, газета ва ҳафталиклар ўз саҳифаларида гўзал бичим, макет ранг-баранглиги, ўқишли қилиб чиқариш лозимлигини унутишмоқда шекилли, улар фақат материалларни қисқартирмаслик, уларни тўла беришни мақсад қилишиб, ''қопга сомон тиқиш'' ўйинини қилишмоқда. Ана шундай сабабларга кўра бугун чиқарилаётган газета ва ҳафталикларнинг кўпчилиги савия, журналистик диддан йироқлашган ҳолда, аниқроғи, газетхоннинг талабини эътиборга олмаган ҳолда нашр этилмоқда.

Шу ўринда бир-икки мисол берайлик: ''Правда Востока''нинг 1998 йил, 10 декабрь сонидаги, ''Ўзбекистон футболи''нинг 18 ноябрь сонидаги материалларнинг талай қисми, ''Ўзбекистон овози''нинг 1998 йил, 5 ноябрь сонидаги ''Юрагимда тикланар Ватан'' номли мақола, барча газеталарда ҳафтада берилаётган ''Ойнаи жаҳонда'' рукнидаги теледастурни кўзойнак билан ҳам ўқиб бўлмаётганлиги ўқувчига нисбатан ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас.

Қаранг, ''Ўзбекистон овози''нинг мазкур сони 1-саҳифасида ''Поезд йўли нега қисқарди?'' сарлавҳаси остида муҳим хабар берилиб, уни ўта майда ҳарфлар билан, ''Ўзбекистон футболи''нинг ушбу сонида ''Тўп маълумотлар тўрида'' хабари ҳам ўта майда ҳарфлар билан терилгани учун ўқиш жуда мушкул бўлди.

Бундай чумоли ҳарф материалларни деярли ҳамма газета ва ҳафталиклардан топиш мумкин. Ўйлаб қоласан, матбуотимиз ўтмишида бундай ҳарфлар бўҳрони, ''петит''бозлик деярли бўлмаган эди; ёшу қари газетани қоқинмасдан, равон ўқий олгувчи эди.

Матбуотимизда одат тусига айланиб бораётган бундай ''материал тиқиш'' нияти билан боғлиқ бўлган ''майдаланиш''лар, савиясизликлар мухлислар иштаҳасини қайтармасмикан?

Бундай журналистик қусурга барҳам бериш обуначилар ва кексалар учун ғамхўрлик бўлармиди, деб ўйлаймиз.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
кекса журналист

''ИСЛОМ НУРИ''НИНГ ШУЪЛАСИ

Ўқияпмиз

Ислом - насиҳат дини, яхшиликка даъват этувчилар, ёмонликдан қайтарувчилар дини. Қалби иймон нуридан баҳра олган инсон беихтиёр ўзида даъватга мойиллик сезади, унинг назарида фарз ва суннат амаллари, Қуръони карим оятларию муборак ҳадиси шарифлар анчайин содда туюлади. Афсуски, ана шу соддалик замирида мислсиз маъно ва ҳикмат қатламлари ётганини махсус ва чуқур билим эгаларигина тушунадилар, англаб етадилар. ''Ўзининг илмсизлигини билган кишилар олимроқдир'' деган ҳикмат шу маънода бежиз эмас.

Яхшиликка даъват қилиш ўзича эзгу фазилат, бироқ кўпчиликни амри-маъруф йўли билан эътиқодий таълимотга даъват этишни зиммага олиш бирмунча қалтис машғулот. Мазкур масалага ''Кимлар амри маъруф қилишлари мумкин?'' деб номланган мақолада бир қадар ойдинлик киритилган, яъни, мақола муаллифи Абдураззоқ Юнус ёзишича, ''амри маъруф ва наҳи мункар қилиш барча учун фарз эмас. Балки шариат аҳкомларини яхши билган кишиларгагина фарздир''.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг газетаси ''Ислом нури'' 1990 йилдан чиқа бошлаган ва истиқлол шарофати билан мунтазам нашр этилиб турган, маърифатли эътиқодга даъват этишга ихтисослашган ягона газета. Айтиш мумкин, ''Ўзбекистон мусулмонлари'' ва ''Ислом нури'' нашрлари тимсолида мамлакатимизда исломий йўналишдаги янги замон ўзбек журналистикаси вужудга келди ва шаклланмоқда.

Қуръони каримда икки дунё ҳолатлари тўла қамраб олинган, зеро, ундаги ҳикматларни кенг оммага тушунтириб баён этиб беришда йирик уламолар жонбозлик кўрсатишлари табиийдир. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳрамов, раис ноиби Фозил қори Собиров, йирик диншунос олим Абдулазиз Мансур, Салоҳиддин Муҳиддин, Муҳаммадлатиф Жуман муаллифлигида эълон қилинган мақола ва суҳбатлар илмий салоҳияти, мазмунан теранлиги билан ажралиб туради.

Ислом дини тарихи, Қуръони каримнинг яратилиши, Пайғамбаримиз салоллоҳу алайҳи вассаломнинг жўшқин ҳаёт йўллари тоабад қизиқиш ва илм манбаи бўлиб қолаверади. ''Ислон нури'' саҳифаларида айни шу йўналишдаги чиқишлар кўплигини шу маънода тушуниш лозим. ''Беш аркон'' (С.Абдуллаев), ''Дин асоси - тақво'' (А.Ҳикмат), ''Ҳалифалик даври'', ''Ҳазрати умари Форуқ қиссаси'' (А.Мансур), ''Имоми Сарахсий'' (А.Абуллоҳ) деб номланган мақолалар олис ўтмишнинг энг ибратли саҳифаларини бугунги кун ўқувчиларига етказади. ''Муборак қадамжо янада обод бўлмоқда''

بسم الله الرحمن الرحیم إن الدين عند الله الإسلام صدق الله العظيم

ИСЛОМ НУРИ

ISLOM NURI اسلام نوری

(У.Алимхон), ''Ҳадис илмининг султони'' (А.Бахрамов), ''Абу Ҳанифа'' (М.Сайис) мақолалари ўтмишда яшаб ўтган буюк алломаларимиз ёдига бағишланган.

Маълумки, диний эътиқод калимаи шаҳодатни келтириш билан кифояланилмайди, у мўмин кишидан доимий тақвода бўлишликни, муттасил илм-маърифатни такомиллаштиришни, ўз билим захирасини бевосита ҳаётга татбиқ этгани ҳолда ён-атрофидагиларга ибрат намунаси бўлишликни тақозо этади. Бу даражага етишишнинг бирдан-бир чораси мутолаа ва яна бир карра мутолаа билан қўлга киритилади. ''Ислом нури''да бериб борилаётган турфа хил мақолалар тақлидий эмас, балки таҳлилий эътиқод сари етакловчи мазкур тоифадаги чиқишлар сирасига мансуб. Таржима асари бўлмиш ''Валаср'' тафсири, О.Мавлонқуловнинг ''Ҳар бир эзгу амал ибодат даражасидадир'', ''Рамазони шариф фазилатлари'', А.Абдуллаевнинг ''Мўътадиллик'' сарловҳали чиқишлари мазмунан боқий масалаларга бағишланган.

Газетада эълон қилинган яна бир табақа чиқишлар диний қадриятлар ва шу куннинг муаммолари, яшаш тарзи, ахлоқий талабларга тааллуқли. Мисол учун ''Соғлом авлод, оила, эр-хотинлик, никоҳ, савобли ишнинг ҳар ким, ҳар кун қилмоқлиги'' хусусидаги мақолалар бир сўз билан айтганда тарбия мавзуида десак, ''Ислом фундаментализми'' ва ''мусулмон биродарлари'' ташкилоти'' (А.Азимов), ''Муқаддас динимизга ёт бўлган оқимлар пайини қирқайлик!'' деб сарлавҳаланган саҳифалар диний ақидалар билан боғлиқликда келиб чиққан турли жиддий муаммолар, эътиқоддаги оғмачиликлар борасида баҳс юритади. Дарвоқе, исломда баҳс, мунозара бирмунча нозик тушунча. Чунки, баҳс замирида маърифий тарафкашлик, шубҳа, гумон ётади. Бир эътиқод вакилларининг ўзаро шубҳа-гумонга ботишлари ҳам дуруст саналмайди. Бироқ, назаримизда бу, соғлом муҳокамадан ҳам воз кечиш деган маънога олиб келмаслик керак. Газетанинг бош муҳаррири Исломиддин Олим шайх ''Аҳли муслим ўзини хурофотдан сақлар'' номли бош мақоласида асл исломга зид бўлган нозарур одатлар хусусида сўз очган, Абдуллоҳ Исмоил маҳдум эса ''Илмли кишининг имони бутун'' сарлавҳали мақолада мазкур масаладаги қарашларга баҳс тариқасида бирмунча ойдинлик киритишга ҳаракат қиладилар. Газетачиликда синалган бу каби соғлом баҳс-мунозаралар кўплаб, муштарийлар диққатини жалб этиши муқаррар.

Кейинги йилларда жамоатчилик орасида бир қадар баҳслар келтириб чиқараётган муаммолардан бири эътиқод кишисининг мусиқага, мусаввирлик санъатига бўлган муносабатига боғлиқ. Яширишнинг ҳожати йўқ, дурустгина рассом йигит-қизлар, мусиқачи санъаткорлар, ҳатто ёзувчи ва шоир биродарларимиз ҳам тақво баҳонасида ўзларига ато этилган ижодий истеъдод неъматидан юз ўгириш ҳоллари учрамоқда. Бундай ҳолатларда, табиий, билимдон уламоларимиздан йўл-йўриқ кутишга ҳақлимиз. Қози Абдулғани Абдуллоҳнинг қаламларига мансуб ''Ислом ва мусиқа'' мақоласи ''Муаммо, мулоҳаза ва таклиф'' рукнида босилгани бежиз эмас. Шунга ўхшаш мақолалар исломий нашрдан дунёвий газеталаримиз саҳифасига ҳам кўчиши, кенг жамоатчилик томонидан фикр алмашишларга сабаб бўлиши фойдадан холи бўлмас эди, деб ўйлаймиз.

Баён этилганлардан келиб чиқиб, ''Ислом нури'' газетасидан нечоғли қониқиш ҳосил қилинмоқда, деган саволга жавоб беришга ҳам тўғри келади.

Назаримизда, муаллифлар доирасини кенгайтириш, диний журналистика соҳасида ихтисослашган қалам соҳибларини тарбиялашни йўлга қўйиш хусусида ўйлаш лозимга ўхшайди, ''Ислом нури'' луғати'' рукнини доимий бериб боришга эришиш керак, азалий ўзгармас ақидаларнинг бугунги кун ҳаётидаги ўрнига доир мақолаларни кўпайтириш, диний мутаассибликка қарши маърифатли чиқишлар уюштириш, танқидий, таҳлилий суҳбатлар қилиш.., Ислом дини таълимоти, эътиқод мавзуси шу қадар кенг ва бепоёнки, улар ҳар қанча оммалаштирилса эзгуликка, фақат эзгуликка хизмат қилади.

Бугунги айём баҳонасида, ''Ислом нури''даги ҳамкасблар ҳаёти ва ижодида улкан ажри савоблар ёр бўлишини Аллоҳдан сўраб қоламиз.

Х. Шамсиддин

Диққат, фирибгар!

''ПОРТРЕТ ОЛАМАН!..''

Яқинда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида таҳсил олаётган укамни кўриш учун университетга қарашли 8-талабалар уйига бордим. Гурунг-гурунг билан гап эсдалик учун тушилган расмларга келганда, укамнинг хонадоши Худоёр бир воқеани гапириб берди. Унинг айтишича, йигирма кунлар олдин талабалар уйига 50-55 ёшлардаги бир сураткаш келибди. Хонама-хона юриб, болаларга талабаликнинг ''олтин давр'' эканлигини, бу даврда албатта суратга тушиб, портрет ишлатиб қўйиш кераклигини айтибди-да, бунинг учун ўз хизматини таклиф қилибди.

- Ўн-ўн бешта боладан хамир учидан патир сифатида 100 сўмдан пул олиб, уч кундан кейин портретларингни олиб келаман деган одам, мана уч ҳафта бўлаяптики, келгани йўқ, - дейди Худоёр.

- Ундан ҳужжатларини сўраганмидиларинг? - деб сўрадим.

Болалар хижолатомуз жавоб беришди:

- Сўрагандик. Чилонзор савдо маркази ёнидаги маиший хизмат кўрсатиш уйида ишлайман деб бир эски гувоҳномани кўрсатганди. Бориб суриштирсак, уларда бундай одам ишламас экан...

Ўйланиб қолдим. Талабалар-ку узоқдан, вилоятлардан келишиб, мусофирчиликнинг баъзи оғирликларига чидаш беришиб, таълим олишаяпти. Бировнинг ҳақидан, мусофирнинг қарғишидан, тангрининг ғазабидан қўрқмаган ким экан ўша ''сураткаш''?

Ҳасан НИШОНОВ

— Ишлашни ўрган, болам!

КЕЛАЖАК ТАРБИЯ ТОПАЁТГАН ДАРГОҲ

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашнинг, порлоқ истиқболнинг ишончли эгаларини тарбиялаб етиштиришнинг бош омили - МАКТАБ! Мактаб ҳақида ҳар қанча гапирсак, унинг муаммолари юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашсак, шунча фойда. Бевосита Президент ташаббуси билан мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ишлаб чиқилгани нақадар мислсиз аҳамиятларга эга экани, тўғриси, келажакда бор аҳамияти билан кўзга ташланади. Ҳозир эса МАКТАБ аталмиш ҳаётимиз ва турмушимиз асосини яратишга доир мавжуд барча фикр-мулоҳазаларни жамлаш, уларни жамоатчилик иштирокида ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш ҳар қачонгидан улкан аҳамият касб этиб турибди.

Мунозара

Демократик жамиятнинг ўзига хос фазилатларидан, ҳатто бетакрор неъматларидан бири болаларнинг, умуман ҳар бир инсоннинг эркин фикрловчи ШАХС даражасига кўтарилишига эришишдир. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълимдан кўнгилдагидек самара кутиш қийин. Албатта, билим керак. Аммо билимга мустақил фикрлаш қўшилса, ҳар бир кишининг, қолаверса, мамлакатнинг, халқнинг салоҳияти, нуфузи ортади.

Янги авлод тарбияни энг аввал мактабда олади, мактабда вояга етади. Ҳолбуки умумтаълим мактабларида мустақил фикр юритиш кўникмаларини кенг тус олдириш ҳозирча талабга жавоб бермаяпти.

Хўш, нега шундай?

Бизнингча, бу саволга жавобни мактаб муҳитидан излаш керак.

Шахснинг тарбия топиши ва камолга эришишида муҳит ниҳоятда беқиёс аҳамиятга эга. Биз мактаб муаммолари хусусида кўп гапирамиз-у, назаримизда, муҳит, аниқроғи, МАКТАБ МУҲИТИ ҳақида кўпда бош қотирмайдигандекмиз.

МАКТАБ ДИРЕКТОРДАН БОШЛАНАДИ

Ҳа, мактаб муҳитини авваламбор директор шакллантиради. Директорни тайинлашда, табиий, унинг касб маҳорати ва тажрибаси, раҳбарлик қобилияти ва инсоний фазилатлари ҳисобга олинади. Ваҳоланки, аксарият ҳолларда директор у ёки бу маънода мазкур талабларга етарли жавоб бермайди. Масалан, яхши инсон бўлса - мутахассис сифатида оқсайди, етук мутахассис бўлса - раҳбарлик имконияти бундайроқ бўлади. Натижада у ишни ташкил этишнинг бошланишиданоқ қийинчиликка дуч келади. Раҳбар қийналган жойда жамоа ҳам қийналади, жамоа фаолияти бир маромда изга тушиб олиши узоққа чўзилади. Ахир у мактабда ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоасини қовуштирувчи соғлом МАКТАБ МУҲИТИни мумкин қадар тезроқ яратиши керак бўлади.

Башарти директор шу мактабнинг ўзидан етишиб чиққан бўлса, унинг иши бирмунча осон кўчади, чунки у мавжуд муҳит билан яхши таниш! Борди-ю, у ташқаридан келса - кўникиш ва ўрганиш жараёни чўзилади, бу орада хатоликларга йўл қўйиш эҳтимоли вужудга келади. Жамоанинг унга бўлган муносабати ҳам ҳурматдан кўра ҳайиқишга асосланади.

Мактаб директорининг олдида кўпгина вазифалар қатори ўқитувчилар ва синфлар ташкил этиш ташвиши кўндаланг бўлади. Одатда директор қандай одам бўлса унинг теварагида ҳам шундай одамлар жипслашади. Ва... дастлабки муҳит шаклланади.

Мактабнинг умумий муҳити кўп жиҳатдан ўқитувчилар муҳитига боғлиқ. Негаки, ўқитувчилар ҳам малакали-малакасизга, тажрибали-тажрибасизга, ўз касбига садоқатли-садоқатсизга ва ҳоказоларга бўлинади. Тасаввур қилинг, синф раҳбарларининг ўзи неча ўн хил бўлади.

Директор ўқитувчиларнинг ҳар бирининг имконияти, устунлиги ва заифлигини тўла-тўкис билмоғи ва шунга кўра уларнинг имкониятидан тўла фойдалангани маъқул.

Синфлар-чи, улар қандай мезонда ташкил этилади?

Дейлик, 5 та ёндош қўшни - параллел синф мавжуд. Уларга ўқувчилар яшаш жойига кўра тақсимланганни маъқулми ёхуд билим даражасига кўрами? Бу шунинг учун аҳамиятга эгаки, ҳар бир синф ўзига хос муҳитни вужудга келтиради. Ўз тажрибаси, илми, дастури бўлган ўқитувчилар кўпчиликни ташкил этадиган мактабда синфлар ўртасида ўзаро мусобақа - рақобат вужудга келади. Ўқувчилар ўзлаштиришидан келиб чиқиб, билимга ташналигидан келиб чиқиб илғорроқ синфга ўтишга ҳаракат қилади. Натижада мактаб савияси тинимсиз ўсади.

Мактабда малакали ўқитувчилар оз бўлса, синфлар бир кўчада яшовчи қўни-қўшнилар ҳисобига ташкил топгани маъқул. Синф раҳбарини тайинлашда эса ўқувчилар истаги ҳисобга олингани маъқул.

Синф раҳбари ҳам ЎЗ синфида муҳитни вужудга келтиради. Синф раҳбари ва ўқувчилар ўртасидаги боғлиқликни янги нав ҳосил қилиш учун амалга оширилган пайвандга қиёслаш мумкин. Агар мос новдалар пайванд қилинмаса, куртак тутмайди. Синфдаги таълим-тарбия муҳити мазкур синф ўқувчиларининг ўзидан келиб чиқиб шакллантирилмаса, у кутилган натижа бермайди...

МУҲИТДАГИ МУҲИТЧА

Синфда ҳукм сурадиган яхлит муҳит бир қанча кичик муҳитчалардан ташкил топади. Ҳар қандай синфда алоҳида ''кампания''чалар пайдо бўлади. Иккитадан тортиб беш-ўнтагача ўқувчини бирлаштирган бу кампания аъзолари ўқишга бўлган муносабати, ўзлаштириш даражаси, шўх-шанлиги, ота-онасининг топармон-тутармонлигидан келиб чиқади. Одатда, бундай кампаниячаларга, ''Ҳа, энди болаларча шўхликлар'' деб қўя қолишади.

Асло ундай эмас! Бу кампанияларда гап кўп! Синф раҳбарининг бутун маҳорати ҳам айни шу ўринда кўринади. Агар у кампания - муҳитчалар бошини қовуштириб умумсинф муҳити йўлида сафарбар эта олса - ошиғи олчи! Акс ҳолда - ишини эплай олмаган ҳисобланади.

Синфдаги муҳитчалар орасида ошкора ва пинҳона зиддиятларга йўл қўймай, аксинча уларни яхши мақсадлар йўлида бирлаштира олиш ўқитувчидан билим, тажриба, сабр-тоқат ва албатта, анчагина уддабуронликни талаб қилади.

Ўқувчиларни катта ҳаётга тайёрлаш хусусида гап борганда мактабга олий ўқув юрти ўқитувчиларини, яъни институт домлаларини мактаб дарсларига жалб этиш тажрибаси ҳам қўл келади. Тўғри, олий ўқув юртидаги ва мактабдаги сабоқ беришнинг ўзига яраша фарқи кўп, лекин мактаб партасида ўтирган, ҳадемай олий ўқув юртига ҳужжат кўтариб борадиган йигит-қиз олий ўқув юрти домласи билан юзма-юз келиши психологик жиҳатдан аҳамиятга эга. Турган гап, ўқувчи одатдаги ўқитувчидан кўра домланинг ўзига, у ўтадиган дарсларга мутлақо бошқача кайфиятда ёндошади. Худди шу ниятни амалга ошириш учун ўқувчиларни олий ўқув юртларига, у ерлардаги лаборатория ва кафедраларга олиб бориш ҳам мумкин.

Ёш авлод вакиллари таниқли шахслар билан бўладиган учрашувлардан катта таассурот оладилар. Ёзувчи ё артист бўладими, олим ё ҳунарманд бўладими, спортчи ё шифокор бўладими - ҳар бир учрашув унча-бунча китобда ўқигандан кўра кўпроқ таъсир кўрсатади. Назаримизда, республикамиз миқёсида, айниқса, олис вилоят ва туманларда бундай учрашувлар узлуксиз одат ва анъана тусига киритилиши жуда-жуда зарур.

МАКТАБ - МАҲАЛЛАНИНГ МАЪРИФИЙ МАРКАЗИ

Мамлакатимизда кейинги вақтда маҳаллага бўлган диққат-эътибор ҳар қачонгидан ортиб бораётгани ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Шу маънода, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги ҳозирги кунимизнинг кечиктириб бўлмас тадбирларидан бўлмоғи керак.

Уйида ота-онасига бефарқ бўлган боладан ўқитувчисини ҳурмат қилишни талаб қилиш қийин. Мактабда ўқитувчисини ёши улуғ одам, устоз сифатида ҳурмат-иззат қилишни ўрнига қўяётган бола, билингки, ота-онасининг олдида ҳам боши ҳам бўлмайди. Ана энди, ота-оналар ва ўқитувчилар ҳамкорлиги доимий ва жонли муҳитни ташкил этган мактабда, маҳаллада болаларнинг катталарга эътибори, улар олдидаги масъулиятни ҳис қилиши нақадар ўзгача бўлишини тасаввур қилайлик. Ота-оналар мактабдаги муҳит ва муҳитчаларни кузатиб борса, уларни соғломлаштириш йўлида ўз мулоҳазалари, таклифлари билан ўртоқлашса, кўмаклашса кони фойда эмасми?.. Болалар мактабда ота-онасидан, уйда ўқитувчиларидан фахрланиб ҳикоя қилса, тилидан бол томиб гапирса кони фойда эмасми!.. Оилада вужудга келадиган катта-кичик муаммоларни бартараф этишда фарзандимизнинг ўқитувчиси ЎЗ кишимиздек маслаҳат берса, мактабда кўндаланг бўладиган моддий-маънавий қийинчиликларни енгиб ўтишда ота-оналаримиз бошқош бўлса кони фойда эмасми?!

Шу ўринда яна бир муаммони ўртага ташлаш жоизга ўхшайди.

Ҳар ким ўзи билган, ўқиган, фарзандлари ўқиётган мактаб қаерда жойлашганини бир кўз ўнгига келтириб кўрсин. Тўрт томони тоғлар қуршовида, бепоён пахтазорлар орасида, бийдек чўл бағрида... жинкўчалар орасида, молхона ё касалхона биқинида, вокзал ё бозор қаторида, қабристонга қўшни мактаблар... Пойтахтда шундоққина метро бекатларига яқин мактаблар ҳам кўп.

Айтмоқчимизки, мактаб - маҳалла - унинг жойлашиш ўрни ҳам умумтарбия маъносида ҳал қилувчи МУҲИТ яратадики, бу ҳам алоҳида ўйлашга, бош қотиришга арзирли муаммодир. Шу ўринда, Президентнинг ташаббуси билан бу йилдан ҳар бир туманда қурилажак лицей биноларининг тарҳи, уларнинг ўрнига алоҳида аҳамият қаратилаётгани биз ўртага ташлаётган муаммонинг бежиз эмаслигига далилдир.

''БОЛАМНИ РЕПЕТИТОРДА ЎҚИТАМАН''

Нега? Репетиторда ўқитиш нима сабабдан авж олиб кетди?

Бунинг сабаблари кўп, албатта. Сабаблардан асосийси эса - мактаб муҳитида берилаётган билим қониқарли эмас!

Ватанимизнинг мустақиллиги фарзандларимизнинг илм-фан соҳасида ҳам мустақиллигини тақозо этмоқда. Энди илгари олинган, шўро давридагидек савияда эгалланган билим билан узоққа бориб бўлмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Кўринадики, замон талаб қилаётган даражадаги билимни ёки ахборот бойлигини мактаб бериб улгурмаяпти. Репетитор фақат болани олий ўқув юртига кирадиган даражада тайёрловчи ''сеҳр'' эгаси эмас, у биринчи навбатда замонавий талаблар даражасида, бошқача айтганда, замон талаб қилаётган МУҲИТга лойиқ лаёқатдаги йигит-қизни тарбияловчи вазифасини ўтаётган киши!

Биз репетиторлик тажрибаси яхшими-номақбулми деган савол теварагида тўхтамасак-да, шу вазифани мактаб ўз зиммасига олиши мумкин-мумкин эмаслигини ўйлашиб кўрсак.

Мактаб энг замонавий талабларга жавоб бериши учун биринчи навбатда синфлардаги ўқувчилар сонини қисқартириш чорасини кўриш лозим. Бир синфда 30 бола ўқигани қайда-ю, 2-3 боланинг бевосита ўқитувчининг ёнида юзма-юз ўтириб сабоқ олиши қайда!.. Бундан ташқари, ўқувчи истаса-истамаса синфдаги дарсда қатнашади, у ўқитувчи уни ''безовта'' қилмаслигини ҳам яхши билади, чунки у шу дарсга қизиқмайди, расмиятчилик учунгина ўтирибди. Репетиторда эса аҳвол мутлақо бошқа - ўқувчи ўзи қизиққани учун, эртага шу фан унга керак бўлиши учун, қолаверса, қўшимча сабоқлар эвазига ота-онасининг киссасидан анчагина чиқим бўлаётгани учун!

Борди-ю, мактабда ўқитувчи тажрибали бўлса, у дарс соати мобайнида мумкин қадар кўпроқ ўқувчини дарсга жалб этади, ваҳоланки, мактабда иқтидорсиз-тасодифий ўқитувчилик қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Юртбошимиз айрим қишлоқ мактабларида олий маълумоти бўлмаганлар дарс бераётганидан куюниб гапираётганининг замирида нечоғли катта маъно ётганини шундан ҳам кўриш мумкин. Булардан ташқари мактаб ўқитувчиси маълум услубият асосида дарс ўтишга мажбур, давоматни кузатишга мажбур, иш планини тўлдиришга мажбур, дарсдан сўнг ҳовли ё мактаб кўчасини супуриб-тозалашни ўйлашга мажбур... мажбурият кўп. Мактабга янгигина ишга келган, ниҳоятда ғайратли ёш мутахассис ярим йил ўтар-ўтмас дарс режасини тузишдан, уни директор ёки илмий мудир назоратидан ўтказишдан чарчагани ва ўқитувчиликдан ҳафсаласи пир бўлганида қандайдир асос бор. Ахир малакасиз ўқитувчи ҳам комиссия текширишга одатланган қоғозларни тўлдириб, чиройли қилиб ёзиб қўйиши мумкин, бу, ўша киши ўқитувчиликни қотириб қўйди деган гап эмас-ку! Ўз касбига ижодий ёндашадиган, фикр-хаёли ўқувчиларида бўлган ўқитувчи одатда қоғоз тўлдириш билан боғлиқ расмиятчиликларга бефарқроқ бўлади.

Репетиторда эса бунақанги даҳмазалар йўқ... Унинг фикр-хаёли болага илм бериш, вассалом, уни бошқа ҳеч нарса қизиқтирмайди ва пулини ҳалоллаб олишни ўйлайди...

Нима демоқчимиз?

Мактабларга фақат МАЛАКАЛИ ўқитувчиларни олиш, уларга энг зарур ҳаётий имкониятлар яратиш, синф ўқувчилари сонини камайтириш, амалий машғулотлар гуруҳидаги ўқувчилар сонини ундан-да қисқартириш вақти келди!

Шунга эришган тақдиримизда мактаб муҳитининг фойдали коэффициенти бирдан ортади!

ТАНАФФУСДА ҲАМ ГАП КЎП!

Биз соғлом авлод вакилларини вояга етказаяпмиз. Пухта билим, моҳир ҳунар соҳиби бўлиш билан бир қаторда соғлом турмуш тарзида яшаш бевосита дам олиш билан боғлиқ. Яхши дам ола билган ўқувчи палапартиш дам олган ўқувчидан кўра яхшироқ ўзлаштиради.

Мактабда эса дам олиш фурсати - танаффус дақиқалари. Ўқувчи мактабда 5 астрономик соат бўлса, 60 минути, яъни бешдан бир улуши танаффусга чиқиб кетади. Ўқувчи мактаб бағрида бир йил мобайнида 210 кун бўлади. Бундан 42 куни танаффусга чиқади. Демак, 10 йил таълим олган ўқувчи 2 йилини танаффусда ўтказади.

Хўп, бизнинг ўқувчиларимиз мана шу 2 йилни қандай ўтказадилар?

Биринчи ҳолат: ўқувчилар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ким нима қилса қилаверади - биров деворга, дарахтга тирмашади, биров тўп қувади. Кимдир олишади, кимдир яшириниб... чекади. Дарсга кечикиб киришлар, кирганда ҳам хаёлини танаффус муҳитидан уза олмаётганлар, навбатдаги танаффусда бажарадиган ишларини режалаштира бошлаганлар...

Иккинчи ҳолат: ўқувчилар қаттиқ назорат остига олинади, ўқитувчи ва юқори синф ўқувчилари уларнинг босган қадамини кузатиб туради. Ҳаракат бўғилади. Ҳаракат бўғилган жойда таълим-тарбия ҳам чекинади, чунки ҳаракат ёш организм учун бамисоли ҳаётбахш қудратга тенг! Бундай танаффус болага эркинлик бермайди, балки унинг эркини бўғади, натижада бола синфга - дарсга киргач танаффусда бой берган эркинлигини топишга уринади - ён-веридагиларга тегажоқлик қилади, дарсга кирмаслик баҳоналарини излайди ва ҳоказо.

Бундан қандай хулоса чиқади?

Танаффус муҳитини ўзгартирмоқ керак. Бунинг учун йўлакларда расм чизиш учун қўшимча доскалар ўрнатилиши, кулгили, эътиборни жалб этувчи ҳажвий суратлар, кинолавҳалар, олишиш учун юмшоқ тўшаклар, ''муштлашиш'' учун бокс қўлқоплари, стол тенниси, шахмат-шашка... хуллас, ақлга дам берувчи, баданга эркинлик бахш этувчи воситалар яратилиши зарур. Башарти шу каби воситалар, танаффус муҳити - дарсдан чиққан ўқувчи учун кутилмаган ''совға'' бўлса, янаям маъқул! Бундай танаффус муҳитидан синфга қайтган ўқувчи сабоқларни ташналик билан ўзлаштиради, мактабга бўлган муҳаббати ортади.

... Мактабдаги муҳит ва муҳитчаларда 5 миллиондан зиёдроқ ўғил-қизларимиз ўқимоқдалар, тарбия олмоқдалар. Бу - ниҳоятда улкан жараён. Ҳар қандай жараён ўзининг муаммолари, ташвишлари билангина жонлидир. Биз инсонларнинг ҳаёти, умр мазмуни эса мавжуд муаммоларни бартараф этишда акс этмоғи даркор. Президентимизнинг: ''Маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади'', деганларида ҳам ана шу эзгу мақсад, эзгу ният мужассамдир.

Эзгу ниятларга эса кўплашиб, фикрлашиб етишиш нақадар мароқли.

Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ,
Тошкентдаги 224-мактабда 25 йилдан бери математика, иқтисоддан дарс беради. Олий тоифали ўқитувчи, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси. Ҳассос боғбон, куюнчак устоз.

Муҳтарам муштарийлар! Ўқитувчилар, устоз мураббийлар! Марҳамат, ушбу мавзу юзасидан қандай фикрдасиз, қандай мулоҳазаларингиз бор? Мунозарага марҳамат!

Хун

ИРОҚДА ЯНГИ ҚОТИЛЛИКЛАР

АҚШ Давлат департаменти доимий вакили Жеймс Рубин сўзларига кўра сўнгги икки ой ичида 500 га яқин сиёсий дисседент (мухолифат аъзолари) Саддам Ҳусайн режимининг қурбонига айланган. Зеро, Ироқ мухолифати вакиллари ва бошқа кўплаб мустақил манбаларнинг маълумотлари шундан далолат беради. Қатл қилинганлар орасида ҳарбийлар ва оддий фуқаролар ҳам бўлган.

Биргина 13-19 декабрь оралиғида шиа мусулмон сектасига мансуб аҳолини отиш тўғрисидаги буйруққа бўйсунишдан бош тортган 25 дан зиёд ҳарбий зобит, шунингдек, 13 декабрь куни 63 га яқин сиёсий маҳбус қатл этилган.

БМТнинг Ироқ бўйича махсус ҳисоботчиси Ироқдан келаётган ушбу маълумотлар Боғдодга нисбатан халқаро ҳамжамият ишончсизлигини янада кучайтириши айтган. Жейм Рубин эса қуйидагича муносабат билдирган: ''Мазкур қатағон Ироқ режимининг инсон ҳаёти, ҳуқуқлари, сиёсий ва диний эркинлигини назар-писанд қилмаслигини кўрсатади''.

Панжара

"АЖАЛ ОҒУСИ" — МАҲБУСЛАР НОНИ

Маълум бўлишича, Қўшма Штатлар қамоқхоналаридаги кўпгина маҳбуслар наркотик моддалар истеъмол қилишади ёки истеъмол қилишган. 1997 йилда штатлар қамоқхоналаридаги 83 фоиз ва федерал қамоқхоналардаги 73 фоиз маҳбуслар ''ажал оғуси''ни истеъмол қилишганини тан олишган. Шунингдек, 45-57 фоиз маҳбуслар жиноят содир этгунларига қадар узлуксиз равишда наркотик модда истеъмол қилганликларини айтишган.

Кўпгина маҳбуслар (федерал қамоқхоналарда 15, штат қамоқхоналарида 20 фоиз) айнан наркотиклар сотиб олиш учун жиноятга қўл уришган ёки жиноят содир этган пайтларида ''ширакай'' бўлишган. Улардан 76 фоизи муқаддам, 46 фоизи 2-3 мартадан судланган, 23 фоизи эса ваҳшиёна жиноят содир этганлар.

Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ

Таҳлика

Хайрли ва саодатли бўлиши умид қилинаётган уч минг йиллик бошидаги 2000 йил компьютер муаммоси / КМ - 2000/ дунёдаги жуда кўпчилик мамлакатларни ташвишга солмоқда. Негаки, бу муаммо ҳозирда деярли барча соҳаларга - жаҳоннинг энг серғулу савдо маркази - Гонконг портидаги ҳаракатларни бошқариш масаласидан тортиб, Швециядаги такси тўловларигача салбий таъсир кўрсатмоқда. КМ - 2000 деб юритилаётган бу чигаллик инсониятнинг 2000 йилга қадам қўйиши биланоқ кундалик ҳаётда бир вақтнинг ўзида кутилмаган тарзда улкан чигалликларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки жаҳон компьютер тармоғидаги кўпгина компьютерлар 1999 йилнинг 31 декабридан кейинги санани белгилай олмай қолади; машина 1999 йилнинг 31 декабри кечаси соат 24 дан сўнгги дақиқаларни 1900 дея ҳисоблай бошлайди ёки умуман нолни кўрсатиб қолиши мумкин. Бу ҳолда эса компьютерлар тармоғини ё ўчириш, ё бажарилаётган иш жараёнини бекор қилиб, тўхтатиш лозим.

Компьютер муаммоси, гарчи ҳали янги уч мингинчи йиллик бошланмаган бўлса ҳам, олдиндан турли хил графиклар тузиш, тўлов циклларини ва уларни режалаштиришда компьютерларга таъсир кўрсата бошлади.

Бу муаммо бундан 30 - 40 йил муқаддам ҳозиргидек жиддий тус олмаганди. Бироқ бугунги кунда чексиз самоларда парвоз қилаётган космик ракеталар, сунъий йўлдошлар, самолётлару оддий банк тўловлари, телефон алоқаси ҳам компьютер ёрдамида бошқарилмоқда. Минглаб беморлар даволанаётган шифохоналар ва қудратли атом электростанцияларининг бир меъёрда фаолият юритиши-да ана шу митти, жонсиз ''темир ақллар''га боғлиқ. Компьютернинг замонавий тараққиёт ва кундалик турмуш тарзида қанчалар катта аҳамият касб этишини инобатга олсак, 2000 йилнинг биринчи январи дунёга қандай ''мўъжизалар'' ҳадя қилишини тасаввур этиши қийин эмас. Баъзи тахминларга кўра, ўша кунда бутун дунё иқтисод тизимига компьютерларнинг ҳисобдан адашиши туфайли бир неча юз миллиард доллар миқдорида зарар етиши мумкин.

АҚШ, Британия, Япония каби жаҳонинг бир қанча йирик давлатлари, савдо компаниялари ва турли корхона ва муассасалар бу муаммони ҳал этиш учун зарур чоралар қўллашга ҳаракат қилишмоқда. Бошда айримлар мазкур масалага паст даражадаги иш деб қарашарди, аммо ҳозирга келиб улар КМ - 2000нинг нақадар реал хавф эканлигини эътироф этган ҳолда, таҳликага тушиб қолди.

''Ассошиэйтед пресс'' агентлигининг хабарларига кўра, 1998 йилдан 1999 йилга ўтиш мобайнидаёқ Стокгольмдаги қатор такси счётчиклари ишдан чиқди, Швециянинг турли бурчакларидаги ёқилғи қуйиш шаҳобчалари ўз мижозларининг қарз карточкаларини қабул қила олмадилар. Негаки, компьютерлардаги вақт билан боғлиқ (наклад)лар ишламай қолди. ''Такси-Стокгольм''нинг директори Андрес Малмквист эса масалани ҳал қилгунча роса тер тўкди.

''Саут Чайна морнинг пост'' га кўра, кириб келган янги йилнинг дастлабки лаҳзалариданоқ яқинлашаётган фалокатнинг дастлабки аломатлари кўриниб қолди; у яқин орада Гонконг видеоси, уяли телефон алоқаси ва бошқа муҳим соҳаларга зарба бериши мумкин. Денгиз департаментида эса 31 декабрь куни Гонконгга келиб кетувчи кемалар ҳаракатини назорат қиладиган зарур ахборот тизими ишдан чиқди. Бу ахборот тизимининг иши кейинроқ тикланди, бироқ виртуал кибер кенгликдаги айсберг билан тўқнашиб кетган кемалар компьютер тизими КМ-2000 нинг биринчи йирик қурбони бўлди.

Дунёнинг турли бурчакларидан келаётган хавфли сигналлар кўпаймоқда; жаҳондаги қатор расмий доиралар бу муаммонинг собиқ Иттифоқ ва ривожланаётган давлатларнинг қуролли кучлари ва атом электр-станцияларига салбий таъсир этиши мумкинлигидан жиддий хавотирланмоқда.

Янги Зелландия қуролли кучлари компьютер тизимлари КМ-2000 га тайёр эмас. Негаки, бу ишни уддалаш учун керакли мутахассис топилмаган. Бу жуда хунук оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Токио фонд биржаси маъмурияти КМ-2000 дан зарар кўрмаслик учун қўлланилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотларни етказиб беришларни сўраб, мазкур фондда акциялари котировка қилинувчи компанияларга мурожаат қилган. Сабаби КМ-2000 Токио фонд биржаси ишига ва компаниялар акцияларининг қимматига салбий таъсир этиши мумкин.

КМ-2000 компьютерларни қайта дастурлаш, бу мумкин бўлмаган ҳолда, тизимлар ёки инфраструктураларга етадиган зарарларни камайтириш учун самарали ишловчи қўшимча режаларни ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Баъзи давлатларда бу муаммо билан йирик тадбиркорлар, бошқаларида эса ҳукумат шуғуллана бошлади. АҚШ ҳукумати бу масалага жуда жиддий эътибор қаратмоқда... 30 декабрь куни Мудофаа вазирлиги вазирлик таркибида КМ-2000дан компьютер тизимлари ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган махсус қўшма гуруҳ иш бошлашга тайёр эканлигини маълум қилди. Бу гуруҳ бошлиғи этиб АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари генерал-майори Жон Г. Компбелли тайинланди.

Малайзиядаги ''Нью стрейтс тайм'' газетаси мамлакат иқтисодини яқинлашаётган хавфдан ҳимоя қилиш учун худди шундай гуруҳ тузилганлиги тўғрисида хабар берди. Ҳукумат вакилининг фикрича, мамлкатдаги барча компаниялар шу йилнинг июль ойига қадар КМ-2000га тайёр бўлиши керак.

''Иерусалем пост''нинг ёзишича, Кнессетининг илмий-техникавий қўмитаси Исроил ҳукуматининг КМ-2000 га тайёргарлик кўришини таъминлашга жавобгар бўлган Вазирни тайинлашни талаб қилган.

Ливандаги ''Дейли стар'' (''Daily Star'') ''ЭАН - Ливан''нинг бош котиби Рустам Салоҳ умуммиллий масала сифатида қаралиши лозим бўлган КМ-2000га Ливан ҳукумати ва тадбиркорларининг етарли эътибор бермаётгани оммага тақдим этди.

''Файнэншл таймс''да чоп этилган мақолада эса турли давлатларда компьютер муаммосига бўлган муносабатнинг қай даражада эканлиги кўрсатилган. Хусусан, Мексика давлати бу борада Лотин Америкасидаги бошқа давлатлардан олдинда бўлиб, чоралар кўришга киришган; ҳукумат ташаббусини ўз қўлига олган.

''Нэшнл пост'' Жанубий Африкадаги КМ-2000 ни ҳал қилишни қўллаб-қувватлаш маркази директори Муҳаммад Мадҳийнинг фикрларига таяниб қуйидагиларни ёзди: ''2000 йилнинг биринчи январида юз берувчи минг йилликнинг хатоси давлат ва ҳукуматларнинг келгуси йил охирида уруш арафасидагидек ҳолатга тушиб қолиши мумкинлигини англатади.''

Нью-Йорк университетининг Сити коллежи компьютер фанлари бўлимининг бошлиғи Ховард А. Рубин КМ-2000 муносабати билан компьютер тизимларини тузатишга кетадиган улкан ҳаражатларни ялпи ички миллий маҳсулот фоизларида қўйидагича белгилаган; АҚШ -2,5%, Корея -4,7%, Италия - 2,8%, Португалия - 4,9%, Ҳиндистон - 1,2%, Мексика - 5,7%, Аргентина ва Россия - 7,3%.

Кўпгина ҳукуматлар ва йирик компаниялар муаммони ҳал этишда маълум бир ютуқларга эришган бўлса, баъзилари бу борада ҳатто фикр юритишга ёки муайян чоралар кўришга, ҳаракат қилишга улгургани ҳам йўқ. Мутахассислар фикрича, КМ-2000 ҳал этиш учун ҳали вақт етарли. Бироқ бу вақт яқинлашиб келаётган янги минг йиллик бошидаги КМ-2000 хавфи сингари кишини саросимага солувчи ва ваҳималидир.

USIS материаллари асосида Зафар ОМОН тайёрлади.

ЯГОНА ҚУДРАТ - МИЛЛИЙ ҲУКМРОНЛИК

Тафаккур

Дунёда ҳамма нарса: маданият учун, ҳаёт учун, тинчлик, осойишталик учун, қўйингки, ҳар қандай тараққиёт учун энг ҳақиқий муршид билимдир. Ўзимизга билимдан бошқа йўл бошловчини излаб топишимиз амримаҳол.

* * *

...Турк миллатининг юксак фазилатлари кўп. Турк миллати тараққиёт учун интилувчандир. Турк миллати закийдир. Чунки турк миллати миллий бирлик ва бирдамлик билан йўлида дуч келган мураккаб тўсиқларни, қийинчиликларни енгиб ўтишни яхши билади. Турк миллатининг олға қараб бораётган тараққиёт ва маданият йўлини ёритаётган машъаласи ҳам билимдир.

* * *

Фақатгина ягона бир қудрат бор. У - миллий ҳукмронликдир. Фақатгина ягона мансаб бор. У - миллатнинг қалби, виждони ва мавжудлигидир.

* * *

...Очиқ фикрли, пок қалбли, виждонли, оқкўнгил инсонлардан иборат жамиятлар тиришқоқлик туфайлигина юксаладилар.

* * *

Бутун миллат яхлит бир вужуд ҳолига келмоғи зарур.

* * *

Маданиятнинг жўшқин оқими қаршисида оёқни тираб туриш бефойда. Тоғларни емирган, кўкларга учган, кўз илғамас зарралардан юлдузларгача ҳамма нарсани кўрган, равшанлаштирган маданиятнинг қудрати ва юксаклиги қаршисида ўрта асрча тафаккур тарзи, ибтидоий ишончлар билан яшаётган миллатлар йўқ бўлишга, ҳеч бўлмаганда, тутқунликка, ҳўрланишга маҳкумдир.

* * *

...Тил бир кўприкдир... Эътиқод бир кўприкдир... Тарих бир кўприкдир.

Тарихий илдизларимизга қайтишимиз ва яна бирлашишимиз лозим...

Мустафо Камол ОТАТУРК, Туркия жумҳуриятининг асосчиси

Хитоб

ВАҲШИЙЛИК

Чеченистонда ўғирлаб кетилган тўрт чет эл фуқаросининг кесилган бошлари топилди...
Газета хабаридан

Бу оламда нима ҳодисот -
Бўлайлик деб огоҳ кўк нурдан
Тикиламиз ҳар кеч. Ва бирдан -
Бу неси, ҳайҳот?!
Рўбарўмда кесилган тўрт бош!
Даҳшат қотган қонли тўрт чехра...
Умр кўриб, кўриб шунча ёш -
Бунақасин кўрмовдим сира!
Ичкария, эй, бўйсунмас юрт,
Наҳотки, рост бу маъшум хабар?
Нега жимсан Арғун, Хасовюрт,
Мозорингдан туриб кет, Жавҳар!
Кечагина озодлик учун
Жонлар бериб, олганингда жон,
Ғалабангни тилаб туну кун -
Жон беришга тайёрдик, ишон!
Бу кун эса алам, изтироб,
Чангал солди юрак-юракка.
Бу ёвузлик, бу қонли ҳубоб
Тўсиқмасми эзгу тилакка?
Йигирманчи аср охирлари,
Тараққиёт - эллар нияти.
Ваҳшийлардек одам ўғирлаб
Савдо қилиш - уят, уят-э!
Эй, тоғларнинг виқоридай чўнг
Ор-номусли, миқти кексалар,
Бу гуноҳи азимадан сўнг
Наҳот бошни кўтарса бўлар?
Қаердасиз Залимхон, Салмон,
Қаердасан, довюрак Шомил?
Тожу тахтни тез тарк эт, Аслон,
Қандай чидаб турибсан ахир?
Қандай чидаш мумкинки, бугун -
Сенда дунё гинали кўзи,
Тутилмаган қотиллар учун
Ҳукм бўлсин шоирнинг сўзи:
Фотиҳага қўл оч, мусулмон,
Тавба, дея, насроний, чўқин.
Дунёдаги неки бор инсон -
Тиз чўккину, чин тилдан юкин:
Кимки эрку жон учун эмас
Ўз нафси, деб, ушласа қурол -
Қўли қуриб, бўлсин шу дам шол,
Жаҳаннамга кетсин бундай кас!

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

Кечмиш

Эдвард РАДЗИНСКИЙ

КРУПСКАЯ ЛЕНИННИ ЗАҲАРЛАШГА УРИНДИ

Тўғрироғи, жон талвасасидаги ''инқилоб доҳийси''га цианли калий заҳари бермоқчи бўлишди

Троцкий: Ленин иккинчи бор бетоб бўлган кезларда, чамаси, 1923 йилнинг февралида, Сиёсий бюро аъзоларининг (Зиновьев, Камнев ва ушбу сатрлар муаллифи)нинг мажлисида Сталин Ильич уни тўсатдан ҳузурига чақириб қолганини ва ўзи учун заҳар келтириб беришини талаб қилганини хабар қилди. У... дардининг янгидан хуружига кўзи етган, врачларга ишонмас, уларнинг гапларидаги зиддиятларни осонгина англар... чидаб бўлмас даражада азоб чекарди...

Эсимда, ўшанда Сталиннинг юзи менга қанчалик савқитабиий, айни вазиятга тушмаган сирли кўринган эди. У етказган доҳийнинг ўтинчи фожий характерга эга, бироқ унинг юзида ниқоблардагидек нимтабассум қотиб қолганди.

-Бу илтимосни бажариш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, - ҳайқирдим мен.

-Мен унга буларнинг ҳаммасини айтдим, - ачинишсиз эътироз қилди Сталин. - Аммо нуқул қўл силтагани-силтаган. Қийналяпти қария, ёнида оғу туришини ҳоҳлаяпти. Аҳволининг умидсизлигига кўзи етса, шуни ишга солмоқчи. Қийналяпти қария, -такрорлади Сталин... Афтидан, унинг миясида қатор ўйлар кечмоқда эди.

Шундан сўнг Троцкий савол қўяди: ''Нима учун Ленин ўшанда Сталинга мурожаат қилди?''

Ва жавоб беради: ''Ленин Сталин қиёфасида бу қайғули илтимосни бажара оладиган ягона (*қаҳри қаттиқ деб ўқинг - Э.Р.*) кишини кўрди''.

Мария Ульяновна ҳам оғу келтириш ҳақидаги бу илтимосни эсга олади. Аммо буни мутлақо бошқача тарзда тасвирлайди.

Хотира хати ''инқилоб доҳийси'' синглисининг шахсий қоғозлари орасидан топилган эди ва шу заҳотиёқ партия архивининг махфий фондига тушди. Фақат эллик йилдан кейингина тарихчилар бу билан танишиш имконига эга бўлдилар.

''1921 йилнинг қишида Владимир Ильич ўзини ёмон ҳис қила бошлади, - деб ёзади Мария,- қачонлигини аниқ билмадим-у, аммо ўша пайтларда Владимир Ильич Сталинга эҳтимол ўзининг фалаж бўлиб ўтажагини айтди. Шундай бўлган тақдирда, ўзи учун цианли калий топиб келтириб бериш ҳақида Сталиндан ваъда олди. Сталин сўз берди. Нега у бундай илтимос билан Сталинга мурожаат қилди? Чунки уни метиндек мустаҳкам, ҳар қандай сентиментал туйғулардан ҳоли киши сифатида билар эди. Унинг бундай илтимос билан мурожаат қиладиган бошқа кишиси йўқ эди.''

Владимир Ильич ўша илтимос билан Сталинга 1922 йилнинг майида, биринчи марта миясига қон қуйилганидан кейин мурожаат қилган эди. Ўшанда Владимир Ильич ўзи учун ҳаммаси тугади, деб ўйлади ва ҳузурига Сталинни чақиришларини талаб қилди. Бу илтимос шунчалик қатъий эдики, уни рад этишга ботина олмадик. Сталин ҳақиқатдан ҳам Владимир Ильич ҳузурида беш дақиқача бўлди, бундан кўп эмас. У Ильич ёнидан чиққанидан сўнг менга Бухаринга Владимир Ильич берилган ваъдани бажариш фурсати етгани учун ўзига оғу келтириб беришни сўраганини айтди. Сталин сўз берди. Улар хайрлашгач, Сталин чиқди. Кейин эса буни биргаликда муҳокама этиб, Владимир Ильичнинг руҳини кўтаришга қарор қилдик. Сталин Владимир Ильичнинг ёнига яна қайтиб кирди. Врачлар билан гаплашиб кўргач, ҳали ҳаммаси бой берилмаганига иқрорлигини, илтимосни бажаришга ҳали эрта эканлигини айтди. ''Муғамбирлик қилаяпсизларми?''- деган бўлса-да, Владимир Ильичнинг кайфияти сезиларли кўтарилди. - ''Муғамбирлик қилганимни қачон кўргансиз?'' Улар ажралишди ва Владимир Ильич тузалиб кетмагунча кўришмадилар. Бу пайтда Сталин унинг олдида бошқалардан кўра тез-тез бўлиб турган эди...''

Шундай экан, Троцкий ҳақ: Ленининг заҳар тўғрисидаги илтимоси бўлган. Фақат Троцкий бу илтимосни 1923 йилга, Ленин билан Коба (Сталин) душман бўлиб қолган вақтга дахлдор қиляпти. Мария Ульяновна эса буни 1922 йилга улар илиқ дўстона муносабатда бўлган чоғларга нисбатан айтади. Мария Ульянова айтганидек, ''Сталин унинг олдида бошқалардан кўра тез-тез бўлиб турган...'' кезларда Лениннинг бу илтимоси Кобага бўлган юксак ишончнинг намунаси эди.

Аввалига мен Троцкий бу ерда адашаяпти деб ўйладим, балки энди Лениннинг душмани бўлиб қолган Сталин унинг илтимосини бажарганлигига ўқувчилар ишонишсин деб атайлаб шундай қилгандир.

Президент архивида ишлай туриб, 1923 йилда ҳам Сталиндан Ленин учун заҳар келтиришни сўрашганликларини билганимда жуда таажжубда қолдим. Бироқ, бу илтимос энди Ленинг ўзидан чиқмаган эди. Ваҳоланки, бу вақтда у, Троцкий ёзганидек, ''Сталинни чақириш ва талаб қилиш'' у ёқда турсин, гапира ҳам олмас эди.

Яхшиси, бошдан бошлайлик.

Биз яна 1922 йилга қайтаман.

Коба уни кўргани борганда Ленин у билан нима ҳақда суҳбатлашган эди?

Мария Ульянова: ''Ушбу ҳамда ундан кейинги ташрифлар чоғида улар менинг олдимда Троцкий тўғрисида гаплашдилар. Суҳбатларидан Ильичнинг Сталин билан бирга Троцкийга қарши эканлиги кўриниб турарди. Бирда Троцкийни Ильичнинг ҳузурига ташриф этиш масаласи муҳокама қилинди. Бу дипломатик характерга эга эди. Троцкийнинг Халқ Комиссарлари Совети бўйича Лениннинг ўринбосари бўлмоқчилиги ҳақидаги таклифи ҳам шундай характерга эга эди.

Владимир Ильич 1922 йилнинг кузида ишга қайтгандан сўнг ўз кабинетида кечқурунлари Каменев, Зиновьев ва Сталин билан тез-тез кўришиб турди.

Шундай бўлгач, Сталин эмас, Ленин ''учлик'' тўплаган, йиққан эди: Зиновьев, Каменев, Сталин - Троцкийга қарши!

Троцкий Ленин уни ўз меросхўри деб ҳисоблаганига умрининг охиригача ишониб ўтган. У тушунмаган эдики, ''Владиминр Ильичнинг сабр-бардоши кучли эди. У бирор сабаб билан шуни маъқул топганиди, кишиларга бўлган муносабатини яширишни, ошкор этмасликни жуда яхши билар эди. Сиёсий бюронинг йиғилишларидан бири Троцкий ўзини ушлаб тура олмади ва Владимир Ильични ''безори'' деб атади...

Владимир Ильич докадек оқаидаиб кетди, бироқ ўзини тутиб, Троцкийнинг бу қўполлигига: ''Кимнингдир асабларини ўйнаб кетяпти'' деганга ўхшаш жавоб қилди. Бусиз ҳам у Троцкийни хуш кўрмас эди''

Дарвоқе, У Зиновьевни ҳам ёқтирмас эди. ''Кўпгина сабабларга кўра Владимир Ильичнинг Зиновьевга муносабатини яхши деб бўлмас эди'', - деб ёзади Ульянова.

Шундай экан, унда у фақат Кобани ёқтирган бўлса эҳтимол. Бироқ, 1922 йилнинг кузида ҳаммаси мутлақо ўзгариб кетди. ''Кузда.., Ленинг Кобадан норози бўлишига сабаблар бор эди''. Ульянова яна қуйинган бир тарзда қўшимча қилади:

''Владимир Ильич учун, агар жоиз, бўлса, чоҳ қазилаётгани аниқ эди. Ким ва қандай қилиб - бу сирлигича қолмоқда''.

Йўқ, Ленин учун бу энди сир эмас эди.

Лениннинг ўзига нисбатан ўзгариб қолганини Коба биларди. Турган гапки, нима учунлигини ҳам тушунарди. Ленин эса энди унинг душманига айланган эди. Шунда Коба Каменевга умумий исённи таклиф қилади: ''Менимча, Ильичга қарши қатъийлик лозим''.

Ҳа, у энди қўрқмайди. Врачлар Бош котиб олдида ҳисоб бериб туришади. Кобанинг қўлида маълумот бор: янгидан хуруж бўлиши тайин. Ленин кураш ва нафратнинг зўрига дош бера олмади. 13 декабрда бўлган иккинчи хуруж уни тўшакка михлаб қўйди.

Иккинчи қўнғироқ чалинди.

10 мартда Сталинга маълум бўлди: зарба Доҳийни ўқишдан ҳам, ёзишдан ҳам, тилдан ҳам маҳрум қилди. Охирги қўнғироқ чалинди.

Мана шунда Сталин шу заҳотиёқ бу ҳақда Сиёсий бюро аъзоларига хат билан маълум қилди: 17 март куни Крупская ''махфий равишда... менга цианли калий топиб келтириш ва бир миқдор бериш ҳақидаги Владимир Ильичнинг илтимосини билдирди... Надежда Константинова айтдики, Владимир Ильич жон азобида қийналяпти... Айтишим керакки, бу илтимосни бажаришга менинг қурбим етмайди ва бу топшириқдан бош тортишга мажбурман... бу ҳақда Сиёсий бюрога маълум қиламан...''

Бахтиқаро ''доҳий'' аллақачон бирон нарсани фаҳмлашдан ожиз эди. Энди Крупскаянинг ўзи унинг бурунги ҳоҳишини бажаришга - эрини азоблардан халос қилишга уриниб кўради. Дарҳақиқат, Сталин унинг сўзларини қўштирноқ ичида келтириб, ''учлик''даги дўстлари Зиновьев ва Каменевга маълум қилади: ''Надежда Константиновна хабар қилди... у заҳар беришга уриниб кўрган, бироқ '' тоқати етмаган'', шу боис ''Сталиннинг мадади'' талаб этилади''.

Сталин ўртоқларининг ҳулқатворини яхши билади; кейин улар буни айблашади. Йўқ, яхшиси, Ильичнинг ўзи ўлаверсин. Табиийки, Сиёсий бюро аъзолари ҳам унинг бу қарорини маъқуллашади.

Тўлкин ТОҒАЕВ таржимаси

ЯНГИ МИНГ ЙИЛЛИКНИНГ ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

Қувайт қамоқхонаси

Ол-а!

Қувайт марказий қамоқхонаси бошлиғи бизни қамоқхона ҳовлисидаги улкан супермаркет дўконига бошлаб кирди, у ерда сотувга қўйилган нарсаларни кўрсатди, спорт майдончалари қатор-қатор, етти-саккиз камерага биттадан телевизор, ёз кезларида фойдаланишга мўлжалланган кондиционер ва бир челак тўла ... чўнтак телефон. Мезбоннинг айтишича, қамоқхонада маҳбуслардан энг кўп йиғиб олинадиган буюм ҳам ён телефон экан.

(''Новое время'')

— Немеский овчаркам!..

Қиёс

ТУҒИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪТИЛ

Ҳомиладор ва эмизикли фарзандлари бўлган аёллар муҳофазаси ҳар бир давлатнинг муқаддас вазифаларидан ҳисобланади. Одатда дунё мамлакатларида фарзанд туғилгунига қадар ва ундан кейин аёлга ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилади. Қани, қайси давлатнинг ''ҳиммати'' қанчалигини кўрайлик-чи?

Португалияда	***13 ҳафта***
Олмонияда	***14 ҳафта***
Бельгияда	***14 ҳафта***
Нидерландияда	***16 ҳафта***
Испанияда	***16 ҳафта***
Грециядa	***16 ҳафта***
Буюк Британияда	***18 ҳафта***
Россияда	***20 ҳафта***
Италияда	***22 ҳафта***

Изоҳ: **Албатта бундай таътил муддатини белгилашда ҳар бир давлатдаги шарт-шароит, имконият, бола туғишнинг даражаси - ҳаммаси инобатга олинади. Шу нуқтаи назардан олганда Ўзбекистонда бундай таътилнинг 16 - 20 ҳафта қилиб белгиланган жаҳон ''стандартлари''га нисбатан чакки эмас.**

АРАВАГА ЙЎЛ БЕРИНГ!

Муносабат

АЁН ҲАҚИҚАТЛАР

(М.Турсунов. ''Биз бошқа йўлдан кетаяпмиз''. ''Ҳуррият'', 1998 йил 23 декабрь)

Муаллиф М.Турсуновнинг ишлари билан яқиндан танишман. Уларнинг бир нусхаси ҳали ҳам менинг қўлимда, чунки тақиқлаб қўйилишдан олдин ўша китобларни маҳалладаги жамоатчилик асосида бошқариладиган ''АСИБ Интернет'' лабораторияси орқали тарқатмоқчи эдик.

Таҳририятнинг кириш сўзида ''Ким билади, эҳтимол ўша ''қимматли ғоя'' муаллифнинг ''ноу-хау''си, яъни сиридир'', - деган ибора бор.

Ҳамма гап шундаки, муаллиф ўз китобларидаги ҳеч бир ғояни ҳеч кимдан сир тутмайди, сир сақламоқчи ҳам эмас. Аксинча, сал гап очиладиган бўлса, у ўз ғояларини дуч келган кишига очиб ташлашга шошилади. Мақсад: ўзи қилган ўндан ортиқ йирик кашфиётларни тезроқ оммалаштириш ва ҳаётга жорий қилишдир. У ўзининг ҳар бир мақоласини жуда катта қийинчиликлар билан чоп эттиради. Мисол учун ''Комета Галлея и новейшая активизация земной коры'' деган мақоласини ''Ўзбек геология журнали''да чиқариш учун у уч йил вақт сарф қилди. Тошкентлик мутахассислар марҳум О.М.Борисов ва ва М.О.Аҳмеджоновлар унга тақриз беришдан бош тортдилар. Кейин у тақриз учун атайлаб Ленинград ва Москвага ҳам бориб келди. Охири СССР ФАнинг мухбир аъзоси ленинградлик В.Наливкинни Подмосковьедаги дам олаётган санаториясидан топиб, ўша ердан тақриз олиб келганда ҳам журнал маъмурияти мақолани чоп қилишга ботинмади. Журнал бош муҳаррининг айтишига қараганда, унинг мақоласидаги қилинган башоратлар халқ орасида ''ваҳима'' тарқалишига олиб келар эмиш. Шу мақола кейинчалик барака топгур Р.Иброҳимовнинг (Сейсмология ин-ти) тақризи асосида ахири чоп этилди, аммо бошқа ном остида. Қарангки, шу уч йил ўтгунча Галлей кометасининг Ерга таъсири борлиги ҳақида москвалик Войцеховскийнинг ''Известия'' газетасида бир мақоласи ва ўша муаллифнинг ''Знание'' жамияти орқали ''Виновница земных бед'' деган китобчаси ҳам чоп этилди.

Турсунов-ку ўз мақоласида Кометанинг ерга таъсир механизмини ҳамда яқин 10-15 йил ичида Ер қимирлашларининг кучи ва сонининг кўпайишини башорат қилган эди. Ундан анча кейинги Войцеховский ишларида эса, фақат эски фактларгина, яъни Турсунов ишларини тасдиқловчи далилларгина келтирилади. Аммо москвалик муаллиф қандай қилиб кичиккина ''Галлей'' баҳайбат бир сайёрага таъсир кўрсатолади, деб ҳайратланганича қолаверади, чамаси.

Войцеховскийнинг ана шу саволига жавоб Турсуновнинг газетангиздаги мақоласида келтирилган илмий ишларни эълон қилиш муаммолари бўйича тўрт сабабнинг учинчисида акс этган.

Гапираверсак гап кўп. Турсунов ўзининг ''Механизмы врашения и активности Солнца'' - деган ишини муҳокама учун ''Пулково'' обсерваториясига олиб борганида (1988 й.), у ердаги докторлар бундан бош тортганлар. Олим Пулковода Ўзбекистон ФА Астрономия институтининг ҳозирги директори (у вақтда аспирант) билан ҳам учрашган. Ўша ерда чиқадиган ''Бюллетен''га мақола юбориб, икки йил жавоб кутган, охири ўзи борганида, таҳририят: ''Мақолангизни олмаганмиз'', - деб жавоб қилган. Кейинчалик Тошкентга келиб, таҳририятнинг мақолани олганлиги ҳақидаги почта хабарномасининг кўчирмасини юбориб сўроққа тутганида, мақола салбий тақриз билан қайтариб юборилган. Бундай мақолалардан яна бир нечаси турли марказий таҳририятларга юборилганлиги (''Советская геология'', ''Геомагнетизми аэрономия''...), лекин рад жавоблари олинганлиги менга маълум.

1989-1990 йилларда Турсуновнинг ''Механизмы генерации магнитного поля и врашения Земли'' - деган монографиясидан икки нусхаси Москвадаги ''Ер физикаси'' институти ва Подмосковьедаги ''Институт земного магнетизма'' ходимлари томонидан йўқотиб юборилиб, қайтиб берилмаган.

Турсунов ишларини амалиётда қўллаш мақсадида ўша пайтларда Бутуниттифоқ озиқ-овқат дастурига ҳомийлик қилаётган Ленинград область компартияси қўмитасига, академиклар Сагдеев, Сахаров, Яншин, Магницкий, Москвадаги ''Юқори ҳароратлар'' институтининг директорига, М.С.Горбачёв ва ўша вақтлардаги СССР ташқи ишлар вазири Э.А.Шеварднадзе жанобларига (чунки қилган оламшумул ихтироларини кўпчилик давлатлар иштирокидагина амалга ошириш мумкин эди) ва ҳатто КПСС охирги съездига ҳам хатлар йўллаган, аммо уларнинг барчаси СССР - Ўзбекистон ФА - Астрономия институти тизими орқали йўққа чиқаверган.

Хуллас, булар фақат менинг ёдимдаги маълумотлар, ўзи билан гаплашган одам бундай фактлардан яна талайини эшитиши мумкин.

Ҳа, дарвоқе, яна бириси. Москвада очилган ''Глобальные изменения природной среды и климата'' дастури Турсуновнинг айтишига қараганда, унинг ГКНТ га топширган (нотрадицион технологиялар бўлими бошлиғи Акимов орқали) иши асосида жорий қилинган бўлиши эҳтимол. Бу ҳақда Тошкент олий ўқув юртлари вазирлиги орқали етиб келган хабар Турсуновга кечикиб келган. Шу дастурга қўшилиш учун туни билан тайёрлаб юборган ҳужжатлари ё ректорат, ё вазирликда қолиб кетиб, Москвага етиб бормаган ва шу туфайли дастур очилишига туртки бўлган ишнинг ўзи шу дастурга киролмай қолган.

Турсунов ўша пайтларда Москвада БМТ ва ЮНЕСКО ходимларига ҳам мурожаат қилиб кўрган.

Эҳэ-э, ''кўп гап эшакка юк'' - деганларидек, муаллифда бундай фактлардан қоп-қопи сақланган бўлиши ажаб эмас.

Эҳтимол, 15 йил давомида шундай кўп тўсиқларга учраганлиги учун ҳам унинг ишлари 10 та китобга лойиқ катта ҳажмга эга бўлиб кетгандир, чунки ўзининг ҳақлигини исботлаш учун у янги-янги ишларни ёзаверган ҳам бўлиши мумкин-ку. Лекин уларнинг ҳаммаси ўша ''Космология ва Ер назарияси асослари'' деган ном билан қамраб олинади десак янглишмаймиз.

Энди ''ноу-хау''га келсак, китоблар шунчалик ''тиқилинч'' ёзилганки, уларнинг янада лўндароқ ёзилишини кутишнинг ўзи ўринсиз. Ҳар бир китоб ичида ками билан битта йирик кашфиёт акс этган бўлиб, деярли барча ҳажм ана шуни исботлашга сарфланган десак муболаға бўлмас. Одатдагидек, даставвал кўриладиган масала бўйича цитаталар орқали фандаги мавжуд аҳвол, кейин унинг нотўғрилиги ҳақида далилли фикр, сўнгра ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган ҳақиқат, унинг исботи, назарий ва амалий аҳамиятлари.

Чамамда, шунинг учун ҳам уларнинг умумий номида ''асослари'' деган сўз ишлатилган. Гўё бу суягу гўшт ва сувни қўшиб олаверинг демоқчи бўлгандай.

Таҳририят кириш сўзида таъкидлаган ''... ўша ''қимматли ғоя'' шундаки, осмон жисмларидаги жараёнлар ва уларнинг кузатилаётган ҳаракатларини ҳозирги замон дунё фани **эндогенетик** (яъни ички) кучлар натижаси деб билса, муаллиф доимо ва фақат **экзогенетик** (яъни ташқи) кучлар натижаси деб таъкидлайди.

Хуллас, халқимизда ''аравага йўл беринг!'' деган ибора айнан шундай ҳоллар учун пайдо бўлган бўлса ажаб эмас.

М.ДАМИНОВ,
техника фанлари номзоди

Мақолани чуқур мамнуният билан ўқиб чиқдим. Лекин ундаги баъзи иборалар (масалан, ''...хато тушунчалар таъсирида тарбия топган замонавий табиий фан вакиллари дидига асло ўтиришмайди'' ёки ''Бундай ''дахриёна'' фикрлар табиат ҳодисаси қошида аллақачон фикр куролини ташлаб, таслим бўлган нафақат ўзбекистонлик, балки бутун дунё олимлари томонидан душманлик билан кутиб олинди'') ҳақиқатдан йироқ эканлигини айтмоқчиман. Ҳар иккала ҳолда ҳам ''олимлар'' эмас, ''баъзи олимлар'' дейилса маъқулроқ бўлар эди.

Келтирилган цитаталарга қараганда М.Турсуновнинг назариясини гўё ўзимизда ҳам, хорижда ҳам ҳеч бир олим тан олмаяпти деб тушуниш мумкин. Аслида бундай эмас. Унинг фикрини фақат астрономия бўйича ўзини мутахассис деб ҳисоблаган олимларгина тан олишмаяпти деса тўғроқ бўлар эди.

Қўлга қалам олишимга сабаб шундаки, муаллиф мен бошқараётган кафедрада ишлайди ва унинг барча ишларидан етарлича хабардорман.

Фикримча, М.Турсуновнинг ишлари оммага ёйилиши учун улар чоп этилиши ва тарқатилиши керак. Лекин чоп этиш учун эса, одат бўйича, мутахассис олимларнинг тавсияси керак. Ана шу сабабдан ҳам унинг китоблари чоп этилиши, тарқатилиши ва фақат мутахассисларгина эмас, балки умуман эркин ва мустақил фикрловчи олимлар назаридан ўтиши зарур.

Физикада ҳукм сураётган барча қонунлар ҳам тўсатдан пайдо бўлмаган, ниманидир инкор қилиш натижасида вужудга келган. Ундан ташқари, биринчидан, М.Турсунов ихтиро қилган Қуёш фаоллигини ойма-ойига башорат қилиш методикаси Москвада 1992 йилдаёқ татбиқ этилган. Демак, ''... бутун дунё олимлари томонидан душманлик билан кутиб олинди'', - дейиш бироз кескинроқ. Иккинчидан, космология соҳасидаги М.Турсунов ишларининг баъзиларига академиклардан В.Қ.Қобулов, Р.Б.Бекжонов, О.Ф.Файзуллаев, Ҳ.А.Акбаров, А.Н.Султонхўжаев, А.В.Прищеп (Москва), В.А.Наливкин (Ленинград), доктор ва профессорлардан Л.Х.Шаташвили (Тбилиси), И.П.Копилов, (Москва), Ю.А.Холодов (Москва), Р.И.Иброҳимов, Х.А.Абдуллаев, А.С.Каримов, И.М.Мирхўжаев, Ш.А.Назиров, Ҳ.Р.Раҳматуллаев ва анчагина фан номзодларининг ижобий баҳо берганлиги менга маълум.

И. МИРХЎЖАЕВ,
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Таажжуб

''УФҚ'' РОМАНИНИ КИМ ЁЗГАН?

Ҳозирги масъулиятли дамларда биздан Ватанни ҳар қачонгидан кўра кучлироқ муҳаббат билан севиш, унга меҳр қўйиш тақозо этилади. Ватанни севиш учун эса уни билиш керак. Уни билиш учун эса ўзлигимизни англамоғимиз даркор. Ватан тарихини, маданиятини, ўлмас қадриятларини, унинг буюк фарзандларини билмай, танимай туриб, ўзликни англаб бўладими? Республика оммавий-ахборот воситалари, айниқса, телевидение ана шу йўлда алоҳида ўрин тутади. Чунки у бир лаҳза ичида неча миллионлаб томошабинларни ўзига ром этиб, ортидан эргаштиради.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ойнаи жаҳон тобора асосий тарбия воситасига айланиб бораяпти.

Ўзбекистон телевидениесида кишиларнинг билими, дунёқараши ва савиясини оширишга қаратилган махсус дастурлар кўпайиб бораётгани шу маънода таҳсинга лойиқ. Мисол учун ''Омад юлдузи'' телеўйинини кўпчилик катта қизиқиш билан томоша қилади. Фақат шу ўйин иштирокчилари орасида ғоятда жўн саволларга жавоб беролмаслик ҳоллари учрайдики, уларни кўрганда айрим юртдошларимизнинг савияси, қизиқиш доираси замон талабидан жуда ортда қолаётганидан ташвишланасан киши.

13 январь куни намойиш этилган ''Омад юлдузи''да ғаройиб савол-жавоб бўлди.

Кўрсатув шартига кўра, икки оила аъзолари ўз билими, маънавий ва маданий савиясини намойиш этиб беллашадилар. Ўша кунги кўрсатувда иштирок этган ҳар икки оила бошлиғи ҳам олий маълумотли, фарзандлари эса ўрта ва юқори синф ўқувчилари эди. Аньанага кўра, кўрсатувга таклиф этилган, Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева оилаларнинг ҳар бирига биттадан савол билан мурожаат қилди. Саволлар жуда оддий ва жўн эди. Афсуски, кўрсатув иштирокчилари ҳар икки саволга ҳам жавоб беришолмади. ''Уфқ'' романининг муаллифи ким?!'', ''Иккинчи жаҳон уруши йиллари жангчиларни ўз санъати билан руҳлантирган ўзбек хотин-қизларидан иборат бадиий даста иштирокчилари, менинг опаларимнинг исмини айтинг?'' деган саволлар жавобсиз қолди. Тўғрисини айтсам, ўша онда оилаларнинг ўрнида худди ўзим ўтиргандек, уятдан ловуллаб кетдим.

Ахир, Саид Аҳмаднинг ''Уфқ'' романи ва Зебо Ғаниева номидаги машҳур ўзбек ҳарбий ансамбли ҳамда унинг Тамарахоним, Гавҳархоним Раҳимова, Коммуна Исмоилова каби таниқли иштирокчиларининг довруғи нафақат республикамизга, балки бутун жаҳонга ёйилган-ку! Ўзбек халқининг фахрига айланган юртдошларимизни билмаслик, танимаслик уят-ку. Мен аввалига: ''Жавоб ота-оналарнинг ёдидан кўтарилган бўлса керак. Ҳозир фарзандлари жавоб беришади. Саид Аҳмаднинг ''Уфқ'' романи мактаб ўқув дастурига киритилган-ку!'', деб умид қилгандим. Лекин афсуски, фарзандлар ҳам сукут сақлашди...

Саида ЖЎРАЕВА

Рост

АЙБ ТЕАТРДА ЭМАС ЭКАН!

Термизда талабалар спектакль кўриш учун дарсни ташлаб кетмоқдалар

Тожиддин РАЗЗОҚ

Театрларга томошабинларнинг бормаслиги актёрлар билан режиссёрлар тугул ҳатто туман, вилоят миқёсидаги раҳбарларга ҳам ташвиш. Аслида театрнинг томошабинга кўзи учиб ўтиргани йўқ - биров нос тупуради (завқи тошиб кетса керак-да!), яна бирови ғазабини босиш учун ўриндиқнинг чарм қопламасини эзғилайвериб йиртиб юборади. Шундоқ бўлса ҳам томошабинлар қанча кўп бўлса шунча яхши, ахир, ҳар бир томошабин - ПУЛ деганидир! Ўзбекистон мустақил бўлгандан сўнг фуқаролар ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини тобора пухта таниб бораётибди. Илгарилари оммавий равишда чипта сотиб олингандан сўнг театр томошасига бориш ёппасига мажбурий эди. Қолаверса, бундай оммавий иштиён олган актёр Тошкентнинг Отчопарига қатнайдиган улов тўхтайдиган жойни суриштириб қолади.

Умуман, халқнинг кўнглини тушуниб бўлмас экан. Кейинги йилларда ҳатто ''Олтин девор'' ҳам унинг назаридан қолди. ''Келинлар кўзғолони'' ҳам, қанчалик қизиқ бўлмасин, меъдага урди. (Одамнинг ҳатто асалдан кўнгли қолади, қадимги удумларимизни камситиш асосига қурилган ''Келинлар кўзғолони'' нима деган гап!)

Хўш, бу халқ нимани истайди ўзи! Аслида - ҳеч нарса! Театрчилар, театршунослар, турли поғоналардаги катта-кичик раҳбарлар бу саволга тайинли жавоб топганларида, бутун Отчопар аҳли театрга кўчиб келар эди. Жуда кўп йиллардан бери томошабинларни ўз хоҳиши билан тероклардан четда қолиш мафкуравий нуқсон ҳисобланганлиги учун қимматли вақтига ачиниб театр деган жойда икки соат ўтиришга мажбур эди. Бундай пайтда одам пулига эмас, зое кетган вақтга ичи ачийди.

Ҳуррият замонлари бошланганидан сўнг фуқароларимизда ботир эркинлик пайдо бўлди - корхона сотиб олган билет билан ҳам театрга бормайди: партиядан чиқариб юбораман десангиз ҳам парво қилмайди.

Одатда, қишлоқ шаҳардан бирозгина орқароқда юради. Чунки, қишлоққа газета ҳам бироз кечроқ ва камроқ келади, телевизорлар ҳам фақат бир каналдан, нари борса иккитасидан кўрсатади, ҳатто табиий газнинг тафти ҳам шаҳардагидан бирозгина пастроқ... бўлади - қоидаси шундай! Ҳуқуқ масалаларида ҳам шундай экан шекилли, бир-икки йил илгари ҳам автобус ташкил қилишиб, қишлоқлардан вилоят марказига бирон бир... саҳна асарини томоша қилгани олиб боришар эди. Қишлоқ истиқоматчилари бу тадбирлар меҳнат соатларининг ҳисобига бўлганлиги учун индамай автобусга чиқиб кетаверар эди. Қараса, томоша текин бўлгани билан деҳқон учун театрдан наф йўқ экан - чунки, икки соат театрнинг бахмал пардаларини томоша қилиб ўтирган билан биров бир сўм бермайди-да! Бунинг ўрнига томоркага ишласа, мол-ҳолга қараса кечқурунги дастурхонга ҳеч бўлмаса бир қадар барака киради.

Ҳозир, айниқса, бултур қишлоқ истиқоматчиларини ҳам театрга олиб бориб бўлмай қолди.

Театрнинг бўш залларида изғиб юрган совуқ шамол унинг кассасидан чиқиб келади. Театрнинг хазинасида пул бўлмаса, яқиндагина унатрга олиб келиш муаммоси муҳокама қилинади. Таклифлар, ҳатто даъватлар ҳам кўп, аммо муваффақиятдан дарак йўқ. Айни баённи эса ўша баҳслар денгизидан бир томчи деб билгайсиз. Қизиғи шундаки, бундай мулоҳазаларни ҳолдан тойгунча давом эттириш мумкин. Бу гапларнинг ҳаммасини тўхтатиб, биттагина тафсилот айтайлик.

Бойсунда Холиқ Хурсандов деган одам бор - қўшиқ айтади. Аслида Холиқ аканинг ўзи тарих илмининг хуштори - қадимги замонлардаги олди-қочди гаплардан гурунг беришни яхши кўради. Кўп йиллар ''Бойсун'' фолклор-этнографик жамоасига раҳбарлик қилди. У кишининг раҳнамолигида халқона қўшиқларга зеб берилиб, катта саҳналарда ижро этилди. Аммо Холиқ аканинг хилватда ёзувчилик қиладиган одати бор. Ўйин-ўйин билан битта қисса ёзган эдилар, бултур ''Ёшлик'' журнали жуда-а ачойи қилиб чоп этди. Яқинда битта роман тугатган эдилар, унинг ҳам харидори топилди. Муваффақиятдан ҳаволаниб сўнг битта... трагикомедия ёзиб ташладилар! Ўзларининг мени қаттиқ ишонтиришича, ҳатто Шароф Бошбеков ҳам ''Ўлдинг - азиз бўлдинг!'' деган бу асарни ўқиб иккала қўлини кўтарар экан. Холиқ ака шу кунлари ''Тўмарис'' деган саҳна асари ёзишни ё бошлаган, бошлаган бўлса охирига етказган. Аммо, ҳозир гап бу ҳақда эмас.

Гап шундаки, ''Ёшлик''да чоп этилган қисса билан ҳали ҳеч қаерда чоп этилмаган роман орасида Холиқ ака ''Кампир топайми, дадажон?'' деган саҳна асари ёзиб ташладилар. Сўнг уни қадимги қадрдонларидан бўлмиш Неъмат Пардаевга кўрсатди. Неъмат ака аслида бойсунлик бўлиб, Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида оддий режиссёр бўлиб ишлайдилар. Мен сизга айтсам, бу театр ҳам худди бошқа театрларга ўхшаб бино бўлгандан бери томошабинга, демакки пулга ёлчимайди. Бўлмаса бадиий раҳбар зўр - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, артистларнинг орасида ҳам зўрлари кўп. Шундоқ бўлса ҳам биронта саҳна асари ёшига етмайди - чиптанинг пули чироқ пулини қоплamайди. Бу театрни танг аҳволдан олиб чиқмоқ учун Усмон Азимдай катта шоир махсус саҳна асари ёзди. Асарга гап йўқ эди, аммо томошабин келмади - қабул қилмади.

Хуллас, Холиқ Хурсандовнинг бекорчиликда ёзган ўша ''Кампир топайми, дадажон?'' асарини Неъмат Пардаев жуда-а узоқ саҳналаштирди. Энди, айтайлик, шундай жайдари муаллифнинг асарини саҳналаштиришнинг нима кераги бор, деган мулоҳазалар ҳам айтилди. Шундоқ бўлса ҳам Неъмат ака бошланган ишни охирига етказайлик, деб асарни тақдимотга олиб чиқди.

Ўша куни асарнинг саҳнадаги ижроси муаллифга маъқул келмади, аммо бу мулоҳазани айтишдан наф йўқ эди, шунинг учун Неъмат акага ташаккур тилаш билан кифояланди.

Тақдимот ўтган декабрнинг бошида бўлди. Дастлабки намойишларга, тан олиш керак, томошабин кам келди. Аммо улар, негадир кейин тез суръатлар билан кўпая бошлади ва ойнинг охирига бориб замонавий театрнинг иморати томошабинга торлик қилиб қоладиган бўлди. Азиз вақти ва пулини юзхотир қилмасдан одамларнинг ''...дадажон!''га келишининг сабабини ҳеч ким маънилироқ қилиб тушунтириб беролмас эди. Иш шу даражага бориб етдики, Термиз шаҳридаги олий ўқув юртларида талабаларнинг давоматига жиддий путур етди: талабалар машғулотларни ташлаб, ўша спектаклнинг кундузги томошасига кетадиган бўлишди. Аммо орзумандларнинг ҳаммасини театрга жойлаб бўлмас эди. Масаланинг ана шу жиҳатини ҳисобга олган вилоят ''Жайҳун'' телевидениеси мазкур саҳна асарини бошдан оёқ ёзиб олиб тўқсон тўққизинчи йилнинг дастлабки кунлари тўлиғича намойиш этди.

Ана шу намойишни кўриб тугатганимиздан сўнг Холиқ акага: ''Демак, айб театрда эмас экан-да!'' дедим. Холиқ ака ҳам камтарлик билан: ''Шундайга ўхшайди!'' дедилар...

ЁҚИМЛИ ҲИССИЁТЛАР ОЛАМИ...

Бу оламга кириш учун бир дона сигарета тутатсангиз бас

Ажабо!

Очиғи, отам билмасин-у, онда-сонда чекиб тураман. Нима учун дейсизми? Ҳа, энди гоҳида ўзимизни кўрсатишимиз керак-да. Бунинг устига, ҳар замон асаб чарчайди.

''Нима кераги бор шу чекишнинг? Менга қолса сигарет заводини йўқ қилиб ташлардим!'' дегувчилар ҳам орангизда топилиб қолади. Йўқ, бу гапни айтишга шошилманг. Яхшиси, қўлингизга бир қути ''Хон лайтс'' сигаретини олиб, разм солинг, ичини очиб кўринг. Ўзимни мисол қилиб айтадиган бўлсам, менинг сигаретга бўлган ''меҳрим'', ''Хон лайтс''ни олиб, ичидаги реклама варақасини ўқиганимдан сўнг ошди. Ўқисангиз, шубҳасиз, сўзлари сизга ҳам таъсир қилади:

''... Енгил, ёқимли ҳиссиётлар бахш этувчи унутилмас оламга кириб борасиз. Сизга беқиёс лаззат бахшида этади. Бу лаззат сиз учун яратилганини асло унутманг... Энг муҳими, ''Хон'', шубҳасиз, бизникидир. Ҳақиқий шарқона лаззатдан бебаҳра қолманг...''

Кечирасиз, илҳомим жўшиб охирги жумлани ўзимдан қўшиб юборибман.

Хўп, майли, киноя қилишни йиғиштирайлик. Мен бир кашанда, йўғ-эй, ҳаваскор чекувчи сифатида шуни айтишим мумкинки, бу сигарет деганининг энг зўри ҳам ҳеч қанақа ёқимли ҳиссиёт бахш этмайди.

- Кечирасизу, жаноб ''Хон Лайтс'', бизга лаззат бахш этувчи нарсалар бошқа. Мисол учун, мева-чева, шарбат, асал, қанд дегандай... ''Бизни қанча кўп сотиб олсангиз, сиздан шунча фахрланамиз'', дея тўғрисини айтиб қўя қолинг-да...

Ҳа, айтгандай, яна бир нарса...

- Жаноб ''Хон Лайтс'', сизга барча ҳаваскор чекувчиларнинг илтимоси бор: шу қутингизда яширинган ютуқни бекор қилсангиз. Ютуққа иштиёқ кетиб, чўнтаклар қуриб қолаяпти...

Кечирасиз, яна кинояга ўтиб кетибман. Хуллас калом, рекламалар жонга тегди. Ўзи сигарет рекламаси нима учун керак? Ёки бу онгли равишда заҳарланиш тарғиботими? Ҳозир биз ''Хон Лайтс''га ихлосманд бўлсак, эртага дўхтирларнинг мижозига айланамиз. Эшитишимча, чет мамлакатларда сигаретларни реклама қилган матбуот ёки телевидениега катта миқдорда жарима солинар экан. Бизда-чи? Оддийгина огоҳлантириш: ''Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиқ учун хавфли...'' Тўппа-тўғри, дейсиз ва чўнтагингиздан бир дона сигарет олиб тутатасиз. Чунки, сиз аллақачон унинг ''лаззат''идан баҳраманд бўлишга кўникиб қолгансиз...

Нодир АҲМЕДОВ

ЧЎАПОН

Юсуф ЖУМАЕВ

Менинг ёзганларим ҳам
Бир кун қўшиқ бўлади.
Қачонгача дарёга
Хаслар тўсиқ бўлади.

Қачонгача ой тўзон
Гирдобида ётади,
Қачонгача қуёшга
Тутун қора тортади.

Олов бошида турар
Қачонгача мўрилар.
Шербаччани ғажийди
Қачонгача бўрилар?

Менинг ёзганларим ҳам
Бир кун қўшиқ бўлади.
Қачонгача дарёга
Хаслар тўсиқ бўлади?!

БУХОРО



— Э, қойил ишларкан-а!

ОВОЗА
Фарҳод бозори ёнида бир машина портлатиб юборилганмиш.

ҲУРРИЯТ
мустақил газета
1996 йил декабрдан чиқа боради
Ўзингни англаб ет!

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси

Бош муҳаррир: Ҳуршид ДЎСТМУҲАММАД
Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Амирқул КАРИМОВ, Наим КАРИМОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Аҳмаджон ЎЛМАСОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63, 136-58-79
Буюртма – Г 047
Индекс: Якка обуначилар учун – 233, Ташкилотлар учун – 234

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босиш вақти — 20.00
Топширилди — 21.00